

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониغا мувофиқ:

1. 2007 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 19 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2007 йил 19 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижти-

мой ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2007 йил 13 декабрь

Ш У К Р О Н А

Мустақилликка эришганимиздан кейин барча соҳаларда бўлгани каби диний ҳаётимизда ҳам жуда улкан, ибратли ислохотлар амалга оширилаётгани ҳаммага маълум. Истиқлол туфайли мусулмон халқимиз эмин-эркин ибодат қилиш бахтига муяссар бўлди. Минглаб масжид, ўнлаб мадраса очилди. Юртдошларимизнинг муборак ҳаж ва умра сафарларига боришлари учун қулайликлар яратилди.

Диний таълимнинг мазмуни бойиб, мавқеи янада юксалди. Ёшларнинг илм эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё этилаётгани айниқса ибратлидир.

Истиқлол йиллари Ислом равнақи, жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломаларимиз таваллуд саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди, зиёратгоҳлари обод қилинди. Уларнинг илмий меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар айниқса эътиборлидир.

2007 йили бош шаҳримиз Тошкентга «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак мақом бери-

лиши юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг оламшумул эътирофи бўлди. Шу муносабат билан август ойида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида, ноябр ойида эса халқаро АЙСЕСКО ташкилоти ташаббуси билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида «Ўзбекистон Ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти» мавзуида нуфузли халқаро илмий анжуманлар ўтказилди.

Хусусан, икки улуғ байрамимиз — Рамазон ва Қурбон ҳайитларини давлатимиз умумхалқ байрами сифатида эълон этгани ва ҳар йили Юртбошимизнинг махсус қарорлари билан дам олиш кунлари қилиб белгиланаётгани биз мусулмонларни беҳад қувонтиради.

Аллоҳ таоло Қурбон ҳайитини халқимизга қутлуғ айласин!

Абдулазиз МАНСУР,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

ҚАРИНДОШЛАРНИ ЙЎҚЛАБ ТУРИНГ

Меҳр кўриш ва кўрсатиш инсоннинг саводати омилларидандир. Меҳр яхшиликдан туғилади. Шунинг учун динимиз яхшилик қилишга буюради. Инсонларнинг, умуман, бир-бирларига яхшилик қилишлари инсонийлик жиҳатидан лозим бўлса, қариндошларнинг ўзаро яхшилик кўрсатишлари қариндошлик ҳақидир. Қариндошлик алоқалари кучайган сари қалблар яқинлашади, меҳрга тўлади. Зотан, меҳр кўздадир. Қариндошлик алоқлари узилса, меҳр йўқолади. Меҳр йўқ қалбада ҳасад ва адоват бош кўтарди. Ҳасад ва адоватнинг оқибати хатарли бўлганидан Куръони карим ва ҳадиси шарифларда қариндошлик муносабатларини асраш буюрилган. Нисо сурасининг биринчи ояти мазмуни бундай:

“Аллоҳ таолодан кўрқинг. Уни ёд этиб бир-бирингиздан нарса сўрайсиз. Қариндошликни узманг! Аллоҳ таоло сизларни доимо кўриб турувчидир”.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: “Қариндошликни узган жаннатга кирмайди” (*Имом Бухорий, Имом Муслим*).

“Аллоҳ таолонинг раҳмати ораларида қариндошликни узган кимса бор қавмга насиб этмайди” (*Табароний*).

Фуқаҳолар айтишади: “Қариндошлардан бири нимагадир муҳтож бўлиб келганида унинг ҳожатини чиқармаслик қариндошчиликни узиш ҳисобланади. Амаки, ака ва тоға ота ўрнида; хола ва амма она ўрнида кўрилади. Қариндошларга салом ё ҳадя йўллаш билан боғланиб туриш вожибдир.

Қариндошларни йўқлаб туринг. Чунки “Ким ризқининг кўпайишини, умрининг узун бўлишини истаса, қариндошликни узмасин”, деганлар Расулulloҳ (алайҳиссалом).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Нуриддин ҲОШИМОВ
Анвар ТУРСУН
Неъматилла ИБРОҲИМОВ
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи,

Зебунисо ҲУСАЙН қизи

терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374. 224-34-04
Раҳбари Ўқтам ҳожи Умрзоқ
Фарғона вилояти — 8.373.222-12-38
Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин
Сурхондарё вилояти — 8.376. 226-05-08
Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 160-45-62, тел.факс: 144-36-53.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.uz
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2007 йил 13 декабрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2007 йил 14 декабрда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 20000 нусха. 206-сон буюртма. «КОНИ NUR» МЧЖда босилди.

Қўлзмалар қайтарибмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

<i>Байрам муборак!</i>	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори	
Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида	1
<i>Таянч нуқта</i>	
Қариндошларни йўқлаб тулинг	2
<i>Мужда</i>	
Янгибой ҚҶЧҚОРОВ	
Нукусда янги кўприк	5
<i>Анжуман</i>	
Аҳад ҲАСАНОВ	
Мукулмон шарқининг муҳим илмий маркази	6
<i>Фикҳ</i>	
Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН	
Савдо	8
<i>ЎМИ ҳаёти</i>	
Икки жомеъ	9
<i>Хабарлар</i>	
Ҳожилар асал ялашди	12
<i>Тарбия</i>	
Замзам ҚУРБОНОВ	
Илм кўзни очади	13
Шарбатлар ичиринг	13
<i>Амри маъруф</i>	
Закариё ТУРСУН	
Одамлар орасида бир одам	14
<i>Олисларга саёҳат</i>	
Аҳмад МУҲАММАД	
Беларус Республикаси	16
<i>Қатағон қурбонлари</i>	
Шерали ТУРДИЕВ	
Таниқли олимлар сафида эди	18
<i>Насиҳат</i>	
Жаъфар АҲСИКАТИЙ	
Тушқунликка ўрин йўқ	20
<i>Ҳадис шарҳи</i>	
Ризоулдин ибн ФАХРИДДИН	
Яхшилик қадр топмаса	22
<i>Шеърят</i>	
Садриддин Салим БУХОРИЙ	
Ошиқмисан ва ё ўткинчи?	24
Ҳабиба БУРҲОН қизи	
Ўзингга юзландим	24
Тўра МИРЗО	
Пайгамбар (алайҳиссалом) мўъжизалари	25
Фармонқул РАСУЛОВ	
Тўртликлар	25
<i>Анжуман</i>	
Доктор Меҳмет ОҚҚУШ	
Ўзбекистондан Онадўлига илм-ирфон ҳаракати	26
<i>Адабий таҳлил</i>	
Баҳодир КАРИМ	
Солиҳ зотлар назари	28
<i>Тиббиёт бурчаги</i>	
Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ	
Зайтун ёғи хосиятлари	31
<i>Болалар саҳифаси</i>	
Ҳорун ЯҲЁ	
Айиқнинг жони асал	32

Тафсири

НАБА СУРАСИ

4

Аллоҳ таолонинг амрларига бўйсуниб, қайтариқларидан тийилган кишилар муттақийлар, тақводорлардир. Охиратда муттақийлар имонсизлардан фарқли ўлароқ мевазор ва узумзорларга, тенгкур бокира хурларга, шарбат билан тўла жомларга сазовор бўладилар.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Тундрада азон янгради

Русия Федерацияси Туймен вилоятининг энг чекка ҳудуди – яманлар яшайдиган Хонимой кўрғонида масжид очилди.

11

Наҳийи мункар

Фозил УРГАНЖИЙ

АДАШИШ БОИСИ



15

Мужоҳид (розийаллоҳу анҳу) дейди: «Албатта, сўзлар ёзиб бо-рилади. Ҳатто киши фарзандини тинчителиш учун, сенга фалон-фалон нарсаларни сотиб оламан, деса ҳам, ёзиб қўйилади».

Масала

БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



Васвасага йўлиққан киши Аллоҳни зикр этиб, икки “Қул аъзу...” сурасини ва “Оятал курсий”ни ўқиши керак.

23

Саҳобалар ҳаёти

Холид Муҳаммад ХОЛИД

АСМО БИНТИ ЯЗИД

30

Ёнимиздан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўтиб қолдилар. Бизларга салом бериб: “Қуфрони неъмат қилишдан сақланинглар”, дедилар. Сўрашга журъатлироғи мен эдим. “Ё, Расулulloҳ, қуфрони неъмат нима?” деб сўрадим.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ مَفَازًا ﴿١﴾ حَدَائِقَ وَأَعْنَابًا ﴿٢﴾ وَكَوَاعِبَ أَتْرَابًا ﴿٣﴾ وَكَأْسًا دِهَاقًا ﴿٤﴾ لَا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا وَلَا كِدَابًا ﴿٥﴾ جَزَاءً مِّن رَّبِّكَ عَطَاءً حِسَابًا ﴿٦﴾ رَبِّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا الرَّحْمَنِ لَا يَمَلِكُونَ مِنْهُ خِطَابًا ﴿٧﴾ يَوْمَ يَقُومُ الرُّوحُ وَالْمَلَائِكَةُ صَفًّا لَا يَتَكَلَّمُونَ إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ الرَّحْمَنُ وَقَالَ صَوَابًا ﴿٨﴾ ذَلِكَ الْيَوْمَ الْحَقُّ فَمَن شَاءَ اتَّخَذْ إِلَىٰ رَبِّهِ مَثَابًا ﴿٩﴾ إِنَّا أُنزَلْنَا بِرَبِّكَ عَذَابًا قَرِيبًا يَوْمَ يَنْظُرُ الْمَرْءُ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ وَيَقُولُ الْكَافِرُ يَلَيْتَنِي كُنْتُ تُرَابًا ﴿١٠﴾

НАБА СУРАСИ*

31-34. Жаннат — боғлар, узумзорлар, тенгқур бокиралар, тўла жомлар муттақийларгадир. 35. Улар жаннатда беҳуда ва ёлғон сўзни эшитишмас. 36. Бу саналганлар Парвардигорингизнинг уларга, амалларига яраша мукофоти ва марҳаматидир. 37. Парвардигорингиз — осмонлар ва ернинг, уларнинг оралигидаги нарсаларнинг Парвардигоридир, меҳрибондир. Унга ҳеч ким сўзлай олмас. 38. Жаброил ва фаришталар сафланиб турадиган кунда фақат Раҳмон изн бергангина сўзлар ва рост сўзлар! 39. У кун ҳақдир, муқаррардир. Ким истаса, Парвардигорига қайтишни тапласин. 40. Биз сизларни яқин азобдан огоҳлантирдик. У кунда барча киши қилган амалларини кўрар ва имон-эътиқодсиз киши: “кошки тупроққа айлансам” дер.

Тафсири

31-34. Жаннат — боғлар, узумзорлар, тенгқур бокиралар, тўла жомлар муттақийларгадир.

Мазкур оятларда имон ва солиҳ амал билан яшаб ўтган бандаларга охиратда ҳозирланган неъматлар қисқача саналган.

Аллоҳ таолонинг амрларига бўйсуниб, қайтариқларидан тийилган кишилар муттақийлар, тақводорлардир. Охиратда муттақийлар имонсизлардан фарқли ўлароқ мевазор ва узумзорларга, тенгқур бокира хурларга, шарбат билан тўла жомларга сазовор бўладилар.

35. Улар жаннатда беҳуда ва ёлғон сўзни эшитишмас.

*Охири. Бошланиши ўтган сонларда

Жаннатда фойдасиз, беҳуда ва ёлғон сўз бўлмас. Жаннат омонлик жойидир. Унда бирор беҳуда нарса, ноқис нарса йўқдир.

36. Бу саналганлар Парвардигорингизнинг уларга, амалларига яраша мукофоти ва марҳаматидир.

Аллоҳ таоло ўз ваъдасига мувофиқ — яхшиликларнинг савобини бир неча баробар ошириши ва ёмонликларни кечириши билан тақводорларни имонлари ва солиҳ амалларига кўра мукофотлайди, фазл кўрсатиб, у саналганларни уларга ато этади.

37. Парвардигорингиз — осмонлар ва ернинг, уларнинг оралигидаги нарсаларнинг Парвардигоридир, меҳрибондир. Унга ҳеч ким сўзлай олмас.

Имонли ва тоатли бандаларга олий мукофот ва марҳамат Буюк ва Улуғ Зотдан, раҳмати барча нарсани қамраб олган меҳрибон, еру осмон ва унинг ўртасидаги нарсаларнинг Парвардигоридандир. Унинг буюклиги ва улуғлигидан ҳеч ким изнисиз сўзлай олмайди.

38. Жаброил (алайҳиссалом) ва фаришталар сафланиб турадиган кунда фақат Раҳмон изн бергангина сўзлар ва рост сўзлар!

Аллоҳ таолонинг улуғлиги Қиёмат куни ҳалойиққа очиқ билинади. Ҳатто даража ва мартабалари баланд бўлган Жаброил (алайҳиссалом) ва сафланган ҳамма фаришталар ҳам ўша куни гапира олишмайди. Улар фақат икки шарт билан гапира олишади, холос. Бири, Аллоҳ таоло шафоатга изн берса, “У Кун келганда, бирон жон гапирмас, фақат Унинг (Аллоҳнинг) изни билангина гапирур” (Ҳуд, 105). Иккинчиси, изн берил-

ган шафоат қилувчи ҳақ ва рост гапиради. Шафоатга сазовор бўлган шахс дунёда тўғри сўзни, яъни, “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни айтган бўлиши лозим.

39. У кун ҳақдир, муқаррардир! Ким истаса, Парвардигорига қайтишни танласин.

Фаришталар мазкур ҳолатда турадиган кун шак-шубҳасиз собит бўлажак. Ким у Кунда нажот топишни хоҳласа, Парвардигорининг марҳаматига олиб борадиган йўлни танласин. Бу йўл ҳақ имон ва солиҳ амаллар йўлидир.

40. Биз сизларни яқин азобдан огоҳлангирдик. У кунда барча киши қилган амалларини кўради ва имонсиз киши “кошки тупроққа айлансам”, дейди.

Биз сизларни яқинда бўлажак азобдан огоҳлангирдик. У қиёмат куни азобидир. Қиёмат бўлиши муқаррар. **“Улар қиёмат кунини кўришганда, гўё дунёда жуда оз — чошгоҳ ё асргача тургандек бўлишади”** (Нозиот, 46).

Қиёмат куни барча киши ҳаётлик пайтида қилган яхши ва ёмон ишларини кўради. **“Ҳар бир жон қилган яхши амаллари келтирилганини кўрадиган, ёмон амаллари ундан жуда узоқ бўлишини истайдиган Кундан сақланнинг!”** (Оли Имрон, 30).

Қиёмат азоби ва даҳшатини кўрган имонсизлар бир-бирларидан қасос олиб, тупроққа айланиб кетадиган ҳайвонларни кўргач: **“Кошки тупроқ бўлсам, кошки инсон бўлмасам”,** деб орзу қилади.

Ибн Касир зикр қилганларидек, қиёмат куни ҳайвонлар ҳам тирилтирилади ва шохсиз ҳайвонларга шохли ҳайвонлардан қасос олиб берилди. Кейин улар тупроққа айлантириб юборилади. Кофир кимса азобдан қутулиш учун ана шу ҳолатни орзу этади.

Ибн Касир «Тафсир»и, Қуртубий «Тафсир»и, «Фатҳул Қодир» тафсири, Найсобирийнинг «Асбаба ан-нузул» ҳамда «Фароибул Қуръон» китоблари асосида Анвар АҲМАД тайёрлади

МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Нукусда янги кўприк

Қорақалпоғистон пойтахтида узунлиги саккиз километр келадиган замонавий ҳалқа йўли барпо этилди.

Мазкур қурилиш доирасида “Қизкетган” каналига янги кўприк қурилиб, шаҳарнинг “Телемарказ” мавзеи билан “Жийдали Бойсун” қишлоғи ўзаро боғланди. Қиймати 1,3 миллиард сўм бўлган бу иншоот шаҳарнинг йўл-улов тизимидан муносиб ўрин эгаллади.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири

Жиззахда “Китоб байрами”

Вилоят ахборот-кутубхона марказида ўтган “Китоб байрами” республикадаги “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, “Ўзбекистон”, “Ўқитувчи”, “Чўлпон” нашриёт-матбаа ижодий уйлари, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, “Маънавият”, “Сангзор” нашриётларининг кўргазма бозорини томоша қилишдан бошланди.

Байрамда умумтаълим мактаблари учун 2008–2009 ўқув йилига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг намоиши ҳам бўлди. Халқ таълими мутасаддилари, соҳа мутахассислари ва бошқа иштирокчилар нашриётларга буюртмалар беришди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири

Тўйболалар сийланди

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманидаги Абдулла Наринжоний зиёратгоҳи Бўстон шаҳар “Қуёш–Ой” болалар боғчасининг ўн бир нафар тарбияланувчиси хатна тўйига ҳомийлик қилди. Шодиёнада бошдан-оёқ янги либослар кийган тўйболаларга ҳар бирининг номига йигирма минг сўмдан ўтказилган омонат дафтарчалари ҳам топширилди.

Раззоқберди ШАПИЕВ

Вагон ҳам ўзимизники бўладиган бўлди

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компаниясига қарашли Қуюв-механика заводида вагон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан заводда беш юздан ортиқ янги иш ўрни очилди. Мутахассислар фикрича, вагонлар 160 минг километр юрганидан сўнг таъмирга муҳтож бўлади. Мамлакатимизда вагон ишлаб чиқарилиши бу эҳтиёжни қоплаш имконини беради.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Аввал хабар берганимиздек, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида «Ўзбекистон Ислом оламининг буюк мутафаккирлари юрти» халқаро илмий анжумани бўлиб ўтди. Ушбу сонда мазкур анжуман иштирокчиларидан айримларининг маърузалари билан танишасиз.

АҲАД ҲАСАНОВ,
Тошкент Ислом университети профессори



МУСУЛМОН ШАРҚИНИНГ МУҲИМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

Бундан бир неча йил аввал Аҳмад Фарғоний тўйини нишонлаётган чоғимизда эътиборга арзири бир суҳбатни эшитган эдим. Грузин академигидан: «Айтинг-чи, жаҳон астрономия фанига қўшган ҳиссаси масаласида Ўзбекистон билан Грузияни қиёслаб бўладими?» деб сўрабдилар. Академик: «Йўқ, бу осмон билан ерни қиёслаган кабидир», деб жавоб берибди.

Тарих илмида “ўрта асрлар” деб аталувчи паллалар Шарқда илмий ва маънавий тафаккур гуркираб равнақ топган давр ҳисобланади. Ўзбекистонга нисбатан олинганда бу давр ўз навбатида уч қисмга бўлинади: аббосийлар халифалиги таркибидаги мусулмон уйғониш даври (IX – XI асрлар); мустақил сомоний, қорахоний, хоразмшоҳ сулолалари даври (XI – XIII асрлар); Амир Темур ва теурийлар даври (XIV – XV асрлар). Мана шу уч даврни яққолроқ тасаввур қилиш учун Бағдоддаги «Байтул ҳикма» ва унда фаолият кўрсатган мовароуннаҳрлик олимлар, Хоразмдаги Маъмун ва Самарқанддаги Улуғбек академияларини эслаш кифоя.

Ушбу мавзунинг манбалари ҳақида гап кетганда биз, албатта, биринчи навбатда Ибн Надимнинг «Фихрист»и, Қифтийнинг «Ихбарул Улама», Ибн Усайбианинг «Уйунул анба», Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжамул удаба», Ибн Халликоннинг «Китабул вафайат», Байхақийнинг «Татимма», Табарийнинг «Тарих», Бағдодийнинг «Тарихи Бағдод», Ибн Халдуннинг «Муқаддима» асарларини эсга оламиз.

Хоразмий, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Замахшарий каби буюк мутафаккирларимиз ўзлари туғилиб ўсган юртларида олим сифатида шаклланишди, сўнгра аббосийлар халифалигининг турли шаҳарларида фаолият кўрсатишди. Бу ҳол минтақамизда кучли илмий замин, анъана мавжуд бўлганидан далолат. Оврупалик олим Ю. Рушкнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: «Г. Зутер тузган

рўйхатда математика ва астрономия соҳаси олимларининг деярли барчаси Хуросон, Мовароуннаҳр ва Фарғонадандир».

Тарих фанлари доктори Баҳром Абдуҳалимов Бағдоддаги «Байтул ҳикма»да фаолият кўрсатган ўн беш ўртаосиёлик олимнинг ижодини ўрганиб, табиий фанлар ривожига қўшган ҳиссасини ёритиб берган. Албатта, «Байтул ҳикма» Хорун ар-Рашид ва Маъмун каби буюк халифалар ҳомийлиги ва бевосита раҳбарлиги остида бўлганини унутмаслик керак.

X–XI асрларда аббосийлар халифалиги инқирозга юз тутта бошлаганида ҳам Мовароуннаҳрда илмий марказ аҳамиятини йўқотмади.

Хитой, сўғд ва форс тилларидаги манбаларга кўра, Мовароуннаҳрда исломлашув жараёни ўзига хос тарзда кечган. Ўлкада буддавийлик, монийлик тез барҳам топган. Зардуштийлик бирмунча вақт қаршилик кўрсатиб келган. Ислом ғалаба қозонгач, насронийликнинг несториан мазҳабидан ҳам из қолмади. Анча кейин ўлгага чоризм билан бирга рус православ черкови кириб келди. Буддавийлик ожизлик қилган бўлсада, унинг таъсири баъзан кўзга ташланиб турди.

Эронда ва ҳатто аббосийлар халифалигининг пойтахти Бағдодда фақат XI асрда мадрасалар очилган бўлса, Мовароуннаҳрда X асрдаёқ қўллаб мадрасалар мавжуд эди. Энг муҳими, бу мадрасалар давлат ва сиёсатдан мустақил бўлган ва Ислом динини ёйишда жуда катта хизмат қилган.

Сомонийлар қизгин ташқи сиёсат юритдилар ва шимолда бир неча шаҳарларни фатҳ қилиб, Исломга киритдилар. 893 йили улар Тароз ёки Талос (ҳозирги Авлиё ота)ни фатҳ этиб, у ердаги катта черковни масжидга айлантirdилар. Бошқа йўл, яъни, қадимги Сўғд одатига кўра, катта-катта жамоа бўлиб, даштга кўчиш йўли билан ҳам учта мусулмон шаҳри ташкил топди: булар Женд, Хавора ва Янгикентдир.

X аср охирларида Мовароуннахрда ҳукмронликка эришган қорахоний ҳокимлар тақводор, маст қилувчи ичимлик истеъмол қилмаган мўмин-мусулмонлардан бўлдилар. Қорахонийлар ва ғазнавийлар ёки Эрон ва Турон ўртасидаги урушлар ҳақида ҳикоя қилувчи Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си айни ўша пайтда бунёдга келди.

Салжуқларга келсак, X асрда улар сомонийлар ва қорахонийлар ўртасидаги курашда бир у томон, бир бу томон бўлиб келганлар. Жамоажамоа бўлиб яшашарди, умумий ҳокимлари йўқ эди. X асрнинг буюк файласуфи, «иккинчи муаллим» Абу Наср Форобий ана шу жамоалардан етишиб чиққан. XI асрга келиб салжуқлар ўзларининг машҳур ғарбга юришларини бошладилар, аввал Эронда, сўнг кичик Осиёда буюк салжуқ давлатини барпо қилдиларки, салб юришлари пайтида улар «салотин ал-ислом» лақабини бежиз олмаган кўринишади. Салжуқнинг авлодлари Ислому султонлари сифатида аҳли сунна ва жамоа йўлини маҳкам ушладилар. Айниқса, сомонийлардан уларга ўтган ҳанафий мазҳабининг ғайрли ҳимоячилари бўлдилар. Тўғрулбек даврида қисқа муддат ҳатто шофёрийлар таъқиб остига олинадилар, аммо унинг давомчиси Алп Арслон даврида шофёрий Низомулмулк унинг энг яқин маслаҳатчиси ва вазири вазифасини бажарган. Султон Валад ибн Жалолиддин Румий форс ва турк тиллари билан бир қаторда араб ҳарфлари билан юнон тилида шеърлар битган. Юсуф Боласоғунийнинг «Кутадгу билик» ва Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» китоблари икки йил фарқ билан деярли бир пайтда 1069-1070 йилларда ёзилганини ҳам эслаш ўринлидир.

Туркларнинг моддий маданияти бобида Маҳмуд Қошғарий китобидан бир сўзни мисол келтирамиз. У «олоту» сўзига бундай шарҳ беради: «эркак киши чўнтагида олиб юрадиган ва у билан бурнини артадиган шойи мато парчаси». Маълумки, даструмолча қадимда ва ўрта асрларда на Юнонистонда ва на араб дунёсида ишлатилган. Оврупага у XV асрда кириб келди. Қадимдан Хитойда ва Японияда маълум бўлган рўмолча XI асрда туркларда ишлатилган экан.

Хоразмшоҳлар даврида буюк мутасаввиф Юсуф Ҳамадонийнинг халифаларидан бири Аҳмад Яссавий (вафоти 1167 й) ва унинг шогирдлари Ҳаким ота ва Сулаймон Боқирғонийлар халқ орасида шуҳрат қозондилар.

XIII асрдаги мўғуллар истилоси қанчалик қиргинли бўлмасин, Хоразм ва унинг пойтахти Урганч тез орада яна тикланди ҳамда Шарқ ва Ғарб савдосида энг йирик шаҳарлардан бирига айланди. 1333 йили зиёратга келган Ибн Батута уни энг катта, энг муҳим ва энг гўзал турк шаҳари деб таърифлаган. XIII аср Хоразм уламоларидан икки киши — Замахшарий билан Шаҳристоний ало-

ҳида ажралиб туради. Булар ҳаммага маълум зотлардир. Аммо охирги Хоразмшоҳ — 1221 йили Хоразмни тарк этиб, 1231 йили мўғуллар билан жангда ҳалок бўлган Жалолиддин Мангуберди турк тили ҳақида катта китоб ёзганини ҳамма ҳам билмас керак.

Амир Темур ва теурийлар (XIV-XV асрлар) даври ҳақида ёзиш қийин: маълумотларнинг етишмаслигидан эмас, балки, аксинча, академик Бартолд айтганидек, маълумотлар ҳаддан зиёд кўплигидан. Аммо академик Бартолд Амир Темурни ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмаган уммий (оми) эди, деб хато қилгани аниқ. Зеро, ёшлигида мадрасада ўқигани, унинг мадрасадошлари ака-ука Саййид Абу Маолий ва Али Акбарлар замонасининг йирик дин пешволари бўлишгани, Баҳовуддин Нақшбанднинг устози Амир Кулол унинг отаси Амир Тарағайга яқин дўст бўлгани ва уларнинг уйларида тез-тез бўлиб туриши, улғайганида форс ва турк тилларини мукамал билгани, исломий билимлардан яхшигина хабардор бўлгани, Бағдод, Дамашқ ва Халаб шаҳарларида уламоларнинг кенгашларини қақриб, улар билан баҳслашгани, тарихни чуқур билиши ўша даврнинг энг буюк мутафаккири Ибн Халдунни хайратга солган. Буларнинг ҳаммаси аниқ маълумотлар.

Амир Темур топшириғи билан жуда кўп китоблар ёзилди. «Тузуқлар»нинг муаллифи албатта Амир Темурдир, бошқа киши унинг номидан ёзган бўлиши мумкин эмас.

Амир Темурдан сўнг икки шаҳар пойтахт бўлиб қолди. Асосий меросхўр Шоҳруҳ Мирзо Балхда ҳукм сурган бўлса, унинг номидан ўғли Улуғбек Самарқандда туриб қирқ йилдан ортиқ муддат Мовароуннахрни бошқарди. Шоҳруҳ Мирзо доимо ўзини муслим султон деб таъкидлаб келган, тарихий қўлёзмаларнинг ихлосманди бўлган.

Улуғбек Ислому тарихида бир вақтда ҳам ҳоким, ҳам олим бўлган ягона шахсдир, дейиш мумкин. Бу жиҳатдан уни Арастунинг шогирди Искандарга ўхшатишади. Улуғбек ва унинг шогирдлари фалакиёт илмида эришган ютуқлар мусулмонлар бу соҳада етишган буюк натижа деб ҳисобланади. Улуғбек нафақат ўзи илм билан шуғулланди, балки ўзидан сўнг Али Қушчи сингари давомчи ҳам қолдирди. Улуғбек билан Али Қушчи бирга тайёрлаган «Зиж» жадваллари дақиқлиги (аниқлиги) билан ҳозирги замон олимларини ҳам лол қолдиради.

Яна бир қизиқ маълумот: XI асрдан бери Самарқандда шайхулисламу мансабини «Ҳидоя» муаллифи Бурҳониддин Марғиноний авлодлари эгаллаб келишар экан. Мирзо Улуғбек замонасининг «шайхулисламу»лари билан калом илми хусусида баҳслар юритгани маълум бўлди.



САВДО

Сотиб олинган мол ва бадалининг тасарруфи

(«Ҳидоя», «Мухтасарул виқоя», «Қозихон», «Раддул мухтор» ва «Дуррул мухтор» китоблари асосида)*

Бу мавзу сотиб олинган нарсалар ва унга тўланган пул (бадал)ни қандай ишлатишга доир масалалар ҳақидадир.

Кўчма (ҳайвон, дон, кийим каби) молни сотиб олган киши уни қабул қилиб олмай сотиб юбориши мумкин эмас. Чунки харидор молни қабул қилиб олмагунича савдо тугал бўлмайди ва мол унинг мулкига ўтмайди. Бунинг устига, кўчма молнинг нобуд бўлиш эҳтимоли ҳам бор. Мол нобуд бўлса, савдо бузилади. Харидор у молни сотиб юборса, ўзганинг молини сотган ҳисобланади. Ўзганинг молини сотиш мумкин эмас. Аммо кўчма молни сотиб олган киши уни қабул қилиб олмай, ҳадя ва садақа қилиши ё қарзга бериши мумкин. Чунки, у молни садақа ва қарзга олувчи кишининг қабул қилиб олиши сотиб олган кишининг қабул қилиб олиши ўрнига ўтади.

Бузилиш хавфи бўлмаган кўчмас мулк сотиб олинганида уни қабул қилиб олмай сотиб юбориш, ҳадя ва садақа қилиш мумкин, лекин ижарага бериш мумкин эмас. Чунки ижара ҳам кўчма мол ҳукмидадир.

Кўчмас мулкни сотиб олган киши унинг пулини сотувчига тўламай ё сотувчининг рухсатисиз сотган бўлса сотувчи савдони бекор қилишга ҳақлидир.

Вазни ё сифими ўлчаниб ёки сони саналиб сотиладиган нарсаларни, вазни ё сифимини ўлчаб ёки сонини санаб олиш шарт билан сотиб олувчи уларни ўлчаб ё санаб сотиб олиши керак. Бу ҳолда сотувчининг олдин (уйида ё омборида) ўлчаб чиққани ё ўлчаб қўйгани ҳисобга ўтмайди. Бошқача айтганда, сотувчи у нарсаларни сотиб олувчига унинг кўз ўнгида ўлчаб, санаб бериши шарт. Сотиб олувчи ўз кўз ўнгида ўлчанмаган ё саналмаган молни мазкур шарт билан олган бўлса, уларни ўлчаб ё санаб кўрмай ейиши ё сотиши мумкин эмас. Зеро, ўлчаб ё санаб кўрмаса, қабул қилиб олган бўлмайди.

Сотувчи молини нақдга сотган бўлса, молининг пулини (бадалини) қабул қилиб олмай иш-

латиши мумкин: уни истаган кишига ҳадя ё садақа қилиши, қарзга ё ижарага бериши ёки бадал мол бўлса, сотиб юбориши ё унинг ўрнига бошқа нарса олиши жоиз. Аммо молини насияга сотган бўлса, унинг бадалини фақат сотиб олган кишига садақа қилиши ё ҳадя қилиши ё унинг ўрнига ундан бошқа нарса олиши мумкин. Чунки кишининг зиммасидаги нарсани ундан бошқага мулк (ҳадя, садақа) қилиб бериб бўлмайди. (Валига молингизни юз минг сўм насияга сотган бўлсангиз, у юз минг сўмни Бакрга ҳадя ё садақа қилиб беришингиз мумкин эмас. У пулни фақат Валининг ўзига ҳадя ё садақа қилиб беришингиз ё унинг ўрнига ундан бошқа нарса олишингиз мумкин.)

Сотиб олувчи сотувчига молининг келишилган нархи устига қўшиб бериши ё қўшиб бераман дейиши жоиз. Бироқ бунинг икки шарт бор: бири — сотиб олинган мол турган бўлиши; иккинчиси — сотиб олувчининг келишилган нархга қўшиб бериш таклифини, жойида, сотувчи қабул қилиши керак.

Шунингдек, сотувчи молини келишилган нархга сотиб олувчига айтганидан ортиқ бериши ё ортиқ беришини ваъда қилиши ҳам мумкин. Фақат бунинг бир шарт бор: унинг ортиқча беришини сотиб олувчи, жойида, қабул қилиши керак.

Ва яна сотувчи сотиб олувчидан молининг келишилган нархидан кам пул олиши ҳам жоиз.

Бу саналган ҳолларда савдо мол биринчи келишилган нархда ё миқдорда эмас, балки кейин қўшиб берилган ё камайтирилган нарх ё миқдор устида бўлган ҳисобланади: сотиб олувчи қўшиб бераман деган пулини тўлаши; сотувчи айтган миқдорини бериши ё олиши керак.

Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН

*Охири. Бошланиши ўтган сонларда

2007 йилнинг сўнги уч ойи ичида Тошкент вилоятининг Зангиота туманида “Бўзсув”, Юқори Чирчиқ туманида “Бардонкўл” ва “Саксон ота” жомеъ масжидлари қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди.

* * *

Бардонкўл қишлоғида 1910 йилдан масжид бор эди. Совет даврида анча муддат ёпиб қўйилди. Динсизлар тазйиқи билан қаровсиз қолдирилди, жаноза намозидагина одамлар йиғилмаса, бошқа пайтлар ҳувиллаб ётарди. Ниҳоят, мустақил бўлди. Диний эркинлик, маърифатга интилиш Бардонкўлда ҳам ўзгариш ясади. Қавм кўпайди. Эскирган иморат талабга жавоб бермай қолди. Масжид торлигидан, айниқса, ҳайит намозида кўпчилик ташқарида ибодат қилишга мажбур бўлишар эди.

Ноябрнинг 9-куни “Бардонкўл” жомеъ масжидининг янги биноси очилди ва жума намози роҳатланиб адо этилди.

* * *

Саксон ота қишлоғи аҳлига эса, совет даврида ҳам кўшни қишлоқликлар ҳавас билан қарашарди. Боиси қишлоқда илмли одамнинг борлиги эди. Бухородаги Мир Араб мад-



сон ота” жомеъ масжиди янги биноси очилди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон му-

ИККИ ЖОМЕЪ



Икки йил бурун қишлоқ аҳли бир бўлиб эски хонақоҳ ўрнида янги бино тиклашга киришишди. Натижада замонавий қулайликларга эга, ёруғ ва кенг, беш юз киши сифадиган бино қуриб битказилди.

жомеъ масжиди эски биноси ўрнида ярим йил ичида яқин беш юз киши ибодат қилса бўладиган уч томони айвонли жомеъ қуриб битказилди.

Ноябрнинг 24-куни “Сак-

расасини биринчилар қаторида битирган Камолхон Оқилхон ўғли 50-йиллар бошида қаровсиз қолган “Саксон ота” масжидида имом-хатиб сифатида иш бошлади ва қирқ йилдан ортиқ вақт давомида мусулмонлар хизматида бўлди.

Кейинги йиллар замонавий бинога эҳтиёж ортди. Ниҳоят, орзу рўёбга чиқиб, “Саксон ота”

сулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов қишлоқ аҳлини янги маърифат ошени билан қутларкан, шу қаторда ушбу масжидда оғир замонларда ишлаганлар ҳаққига ҳам яхши дуолар қилди.

ЎМИнинг Тошкент вилояти бўйича вакили Қурбонали домла Турсунов эса масжид биносини тиклашда жонкуярлик кўрсатганларнинг барчасига, хусусан, бош ҳомий ғазалкентлик табиб Абу Бакр ҳожи Тешабой ўғлига алоҳида миннатдорлик билдирди. Масжид қурганларга ҳадиси шарифларда башорат қилинганидек, олий мақомлар насиб этишини тилади.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Исломий гўзаллик куни



Шу йил ноябрининг йигирма бешинчи куни Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида катта маърифий тадбир – “Исломий гўзаллик куни” ўтказилди. “Бирдамлик ва тинчлик куни” учинчи халқаро анжумани доирасида-

ги ушбу тадбирни мамлакат Ислом уюшмаси фаоллари ташкил этишди.

Ташкилотчилар айтишича, тадбирдан кўзланган мақсад аҳоли орасида динимизга оид билимларни чуқурроқ тарғиб этишдир.

Учинчи халқаро анжуманга дунёнинг турли минтақаларидан эллик мингдан ортиқ киши ташриф буюрди.

IslamOnline

Бош котиб чақириги



Ислом Конференцияси Ташкилоти Бош котиби Акмалиддин Эҳсонўгли жаҳон жамоатчилигини болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бо-

расида кўпроқ ишлашга чақирди.

“Болалар ҳаммадан кўра нозик, ғамхўрлик ва ҳимояга жуда муҳтождир. Афсус, улар кўпгина ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий адолатсизлик, ҳуқуқбузарликлардан жабр кўришяпти”, дейилади ИКТ раҳбари мурожаатида.

Мурожаатда болалар ҳуқуқига энг катта хавф қашшоқлик экани таъкидланади. “Агар БМТнинг дунё давлатлари раҳбарлари имзолаган “Мингйиллик тараққиёти мақсадлари” шартномаси мажбуриятларини бажаришга бор куч билан киришсак, – дейди ИКТ раҳбари, – бу хавфнинг бартараф этилишига шубҳа йўқ”.

IINA

Қуддус бутун башарият мероси

Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Қуддус бутун башарият меросидир” мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманга дунёнинг олтмиш беш мамлакатидан беш минг иштирокчи йиғилди. “Ал-Қуддус” халқаро институти бош котиби Акрам Одилоний анжуман ташкилотчиси бўлди.

“Мақсадимиз Қуддус фақат араб-мусулмон минтақасига эмас, балки бутун инсониятга оид улуғ мерос эканини жаҳон афкор оммасига етказишдир”, дея таъкидлади Акрам Одилоний. Анжуман доирасида муқаддас шаҳар тарихидан ҳикоя қилувчи фото кўргазмалар, ҳужжатли филмлар намойиш этилди.

IslamOnline

Равзада аёллар учун майдон

Мадина шаҳридаги Пайғамбар (алайҳиссалом) масжидлари ҳудудида зиёратчи аёллар учун қўшимча махсус майдон очиладиган бўлди. Энди аёллар Расу-



лulloҳнинг (алайҳиссалом) қабрлари ва минбарлари ораси – Равзага зиёратчилар оқими кескин ортган кунлари ҳам бемалол кела олишади. Масжидун Набавийни кенгайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжуманида бошқарма вакили Абдул Воҳид Хаттоб ана шу ҳақда маълум қилди.

“Ислам для всех”

Тундрада азон янгради

Россия Федерацияси Туймен вилоятининг энг чекка худуди – яманлар яшайдиган Хонимой қўрғонида масжид очилди. Қўрғонга янги имом келиши билан бир намозгоҳ очиш ишларига киришилган эди. Маъмурият ҳам мусулмонлар хоҳишига кўра жой, бино ажратди, қурувчилар таъмирлаш ишларида кўмаклашишди. Орадан бир ой ўтиб-ўтмай, мусулмонлар кенг ва ёруғ бинода жамоат бўлиб намоз ўқий бошлашди.

“Муслим-Инфо”

Халқаро анжуман режалари

Татаристон Фанлар академияси ва Ислом олами Фанлар академияси 2008 йилнинг август ойида халқаро анжуман ўтказишни режалаштиряпти. Анжуман Ислом олами муаммоларига бағишланади. Татаристон ФА вице-президенти Рузал Юсупов шу ҳақда маълум қилди.

Ислом олами Фанлар академияси (IAS) 1986 йили тузилган мусулмон мамлакатлари олимларини бирлаштирувчи ноҳукумат, носийсий ташкилотдир. Фаолиятининг бош йўналишлари – Ислом, илм-фан, технологиявий тараққиёт. Ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири мусулмон мамлакатлари тараққиётига хизмат қилувчи олимлар ҳамкорлигини кенгайтириш, ўзаро ахборот алмашинувига кўмаклашишдир.

Islam.ru

Рим папаси тақлиф этди



Оврупа мусулмонлари етакчилари Папага йўлланган очик хатга жавобан Ватиканнинг ўзаро мулоқотга тақлифини маъқуллашмоқда.

Фатво ва тадқиқотлар бўйича Оврупа кўмитаси раҳбарларидан бири Фейсал Мавлавий Ватикан тақлифи иккала дин вакиллари

ўртасида мулоқотлар кўпригини ўрнатишга ёрдам беришини айтди.

Таъкидлаш керак, Рим папасининг мусулмон етакчилари Очик хатига жавоби ва тақлифига турлича ёндашув кузатилмоқда.

IslamOnline

Ҳожилар учун ўн беш мингта автобус

Бу йилги ҳаж мавсумида ҳожиларга ўн беш мингдан ортиқ автобус хизмат кўрсатяпти. “Женерал Моторс” ширкатининг Саудия Арабистонидаги вакили Закариё Жоҳаржий шу ҳақда маълум қилди.

Лойиҳа Макка, Мадина, Жидда шаҳарлари, шунингдек, Мино водийи, Муздалифа, Арафот тоғи йўналишларида аниқ тартиб билан амалга оширилади. Бу хайрли ишга “Уммул Куро”, “Хафил”, “Ал-Жазира”, “Макка”, “Арабиян” каби ширкатларнинг уловлари ҳам жалб этилган. “Ҳаж арконларини адо этишда ҳожилар эътиборини ҳеч бир ноқулайлик чалғитмаслигига эришиш асосий мақсадимиздир”, деди Закариё Жоҳаржий.

IslamNews

Бангладешга ёрдам

Мусулмон мамлакатлари ва инсонпарварлик ташкилотлари вайрон қилувчи тўфон ичида қолган Бангладеш халқига ёрдам қилишга шошилишмоқда. Табиий офат туфайли бу мамлакатда уч мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди, миллионлаб аҳоли бошпанасиз қолди.



Ёрдам қилувчилар рўйхатида Саудия Арабистони биринчи ўринда. Қироллик ҳукумати юз миллион доллар маблағ ва уч юз тонна озиқ-овқат, дори-дармон ажратди. Шунингдек, бангладешликларга Саудия қизил яримой жамияти ўттиз миллион, Қувайт ҳукумати ўн миллион, Ливия ва Туркия бир миллион доллардан ёрдам кўрсатишди.

Покистон олтита самолёт, ўттиз ўринли кўчма шифохона, саксон тўққиз нафар маллакали мутахассис ва ҳамшира, дори-дармон, асбоб-ускуналар жўнатди.

“Исломий ёрдам”, “Мусулмонларга кўмак” ва бошқа инсонпарварлик ташкилотлари ҳам бир миллион доллардан ортиқ маблағ, озиқ-

овқат, тозалов воситалари ва ичимлик суви етказиб беришди.

The Muslim News

Ягона валютага ўтишмоқчи

Форс кўрфазидаги Араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши раҳбарлари яқинда ўтган учрашувда 2010 йилдан ягона пулни муомалага киритиш ҳақида бир қарорга келишди. Шу мақсадда учрашувда мамлакатлар молия вазири, марказий банклари раҳбарларига миллий валюталарни босқичма-босқич яқинлаштириб бориш режасини тузиш топширилди. Бу ҳақдаги ҳисобот Аммонда бўладиган учрашувда муҳокама қилинади.

Ягона валютага ўтилса, Форс кўрфази давлатларида муаммолар юзага келиши мумкин. Шу боис Аммон лойиҳадан чиқишини маълум қилди. Бирлашган Араб Амирликлари эса 2010 йилдаёқ ягона валютага ўтишининг иложи йўқ, демоқда.

Лента.Ру

Уилл Смит рад этади

Америкалик кино артисти Уилл Смитт гўё ўзининг саентологлар мазҳабига ўтгани ҳақида тарқатилган миш-мишларни рад этди. Машхур актёр бундан бир неча йил аввал мусулмон бўлган эди.

Дўстларининг айтишича, у “Муҳаммад Али” филмида бош ролни ижро этиш жараёнида машхур чарм қўлқоп устасининг эътиқоди, дунёқараши билан ҳам қизиққан. Унинг нега мусулмон бўлгани ҳақида ўйлаган. Орадан кўп ўтмай Уилл Смит ҳам Исломни қабул қилгани маълум бўлди.

АҚШда бўлган 11 сентябр воқеаларидан сўнг Уилл Смит америкаликларни Ислом ва террорчиликни бир-бири билан аралаштириб юбормасликка чақирган, зўравонлик динимизга буткул ёт эканини англатиш учун жон куйдирган эди.

IslamNews

Ҳожилар асал ялашди



Малайзиянинг Сейнс университети бир гуруҳ олимлари ўзига хос тадқиқот ўтказишди. Улар туланг дарахти гул нектаридан олинган асалнинг ҳаж

мавсуми, ҳожилар орасида кўп учрайдиган йўтал ва дамқисма хасталиклариди қандай фойда беришини ўрганишди.

Мазкур лойиҳа директори Қамарулазизий Иброҳим айтишича, тадқиқотлар Уммул Қуро (Саудия Арабистони) университети олимлари билан ҳамкорликда амалга оширилган.

Islam.ru

Канслер фикрига кўра

Олмония канслери Анжела Маркел фикрига кўра, мамлакатда қурилаётган масжидларнинг миноралари насронийлар черковлари кўнғироқхоналаридан баланд бўлмаслиги керак.



Ҳозир Олмонияда уч ярим миллиондан ортиқ мусулмон яшайди. Уларнинг кўпи Туркиядан келганлардир. Мамлакатда бир юз эллик тўққизта жомеъ ишлаб турибди. Адади тобора ортиб бораётган мусулмон аҳоли эҳтиёжларига биноан яна бир юз саксон тўртта масжид қурилиши режаланмоқда.

Олмония канслерининг фикри танқидга учради. Мамлакат мусулмонлари мувофиқлаштирувчи кенгашида масжид миноралари мавзудан сайловолди курашида фойдаланишаётгани таъкидланди. “Ҳозир мусулмонлар ва насронийларнинг миноралар ва кўнғироқхоналар баландлигидан кўра муҳимроқ муаммолари бор” экани айтилди.

Catholic World News, Sign On San Diego

Масжидлар таъмирга муҳтож

Албания, Косово, Македония ва Черногория мусулмонлари Фарбий Болқонда Исломнинг беш асрлик бой тарихи рамзлари бўлмиш кўҳна масжидларни таъмирлаш, келгуси авлодларга сақлаб қолиш учун ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Мусулмонларнинг ўз-ўзини бошқариш “Шайқдом” ташкилоти барча хайрия тизимларини ушбу савоб ишга хисса қўшишга чақирди. Ташкилот раҳбари ўринбосари Саймир Рушеқунинг айтишича, ўтган асрда даҳрийлар ҳокимиятга келишидан олдин Албанияда бир минг олти юзта масжид бўлган. Сўнгра уларнинг кўпи йўқ қилинган. Омон қолган икки юз йигирма бир масжид биноси тезда қайта таъмирланишга муҳтож.

“Шайқдом” ташкилоти раҳбари Сабри



Бойғур айтишича, кўхна масжидларнинг икки юз ўн саккизтаси 1998-1999 йилги уруш туфайли вайрон бўлган.

Профессор Мухаммад Арнаут масжидлар Болқон тарихида катта аҳамият касб этишини, Албания пойтахти Тирана каби йирик шаҳарлар ҳам бир вақтлар масжидлар атрофида шаклланганини таъкидлади.

IslamOnline

Литва тарихида биринчи марта

Литва Республикасида нашр этиладиган “Аёлларга маслаҳатлар”, “Ошхона сирлари”, “Боғбонларга маслаҳатлар” номларида ва бошқа шу каби 2008 йил учун чиқарилган йиртма тақвимларда мусулмонларнинг Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ҳақида илк бора маълумот берилди.

Асосий байрамимиз ҳақидаги мақолаларни Каунас масжиди имоми Ромас Якубускас тайёрлаган. Аҳоли орасида машҳур ушбу йиллик йиртма тақвимлар “Календарюс” нашриётида чоп этилди.

“Татар-информ”

Назорат чоралари кўрилади



Кавказ мусулмонлари бошқармаси раисининг ўринбосари Собир Ҳасанли Озарбойжонда миссионерлик ташкилотларининг ҳукуматга қарши фаолиятига барҳам бериш учун алоҳида назорат чораларини кўриш зарурлиги ҳақида маълум қилди.

Унинг айтишича, “Озарбойжонда турли динлар, конфессиялар мавжуд, юксак диний бағрикенглик йўлга қўйилган. Аммо диний тарғибот баҳонасида хориждаги марказларидан молиявий ёрдам олиб, сиёсий мақсадларда давлатга қарши фаолият юритаётган гуруҳлар борлиги бизни ташвишлантиради”, дея таъкидлади Собир Ҳасанли.

Интерфакс

ИЛМ КЎЗНИ ОЧАДИ

Етмиш беш ёшдаман. Умрим илмга интилиб ўтди. Илмий лабораторияларда ишладим. Турли юртларда бўлдим. Кўплаб кишилар билан юракдан суҳбатлашиш насиб этди. Кўрган-билганларимни қиёслаб, маълум бди фикрга келдим.

Илм инсонга Аллоҳни осон танитади. Унинг кўзини очади, фикр қўламини кенгайтиради. Шу боис ҳам илмли кишилар Аллоҳнинг кўрсатмаларини тезроқ ва яхшироқ тушунадилар.

Менимча, инсонни Аллоҳни танишга, Ундан кўрқишга, тўғрилиқка, ҳалолликка жуда эрта, кичик ёшдан ўргатиш керак. Бу масалада ота-оналар, бобо-бувилар зиммасида катта масъулият ётади. Боғча-мактабларда фанларни пухта ўргатиш имонни мустаҳкамлайди.

Замзам ҚУРБОНОВ,
Бағдод туман

ШАРБАТЛАР ИЧИРИНГ

* Эмадиган болаларга чой бериш тавсия этилмайди. Чой темир моддасининг миқдорини камайтириб, камқонликка сабаб бўлиши мумкин. Бир ёшгача бўлган болалар камқонликка мойил бўлишади. Шу боис болага ҳўл мевалар, резаворлар шарбатини беринг.



* Сунъий толали газламалар (масалан, нейлон, капрон, ворсолон кабилар)дан либос кийишдан сақланиш керак. Бу газламаларда танага салбий таъсир кўрсатувчи куч — электр майдони мавжуд. Синтетик толалар этилен, бензол, фенол сингари зарарли моддалар, нефт газлари ва тошқўмир қатронидан олинади. Улар ички аъзоларга (айниқса, ҳомилага) ёмон таъсир қилиши мумкин. Пахтали, ипак матолардан тикилган либослар ҳомилани ҳар хил нохуш таъсирлардан ҳимоя қилади.

* Фарзанд кўришни режалаштириб қўйганингиз заҳотиёқ тишларингизни даволатиб олинг. Акс ҳолда носоғлом тишлар орасидан нафақат ўзингиз, балки туғилажак фарзандингиз ҳам жабр кўриши мумкин. Чунки кариес — инфекциялар макони. Тишлар ва милкларнинг касалланиши туфайли ички аъзоларга инфекция тушади. Ҳомиладорлик даврида оғиз бўшлигини жуда тоза ва соғлом сақлаш шарт.

Муҳаммадшокир исмли бир оилавий кадр-донимиз бўларди (Аллоҳ раҳмат қилсин). Бир куни уйимиздагилар мени шу кишидан хабар олиб келишга юборишди. Ўшанда энди ўн олтига кирган ўсмир эдим. Ҳали дунёнинг паст-баландига унчалик ақлим етмасди. Сўраб-суриштириб, Муҳаммадшокир аканинг уйини аранг топдим. Наманган шаҳрининг адир қисмида, Шимолий Фарғона каналининг шундоққина ёқасида, шаҳар қабристонига туташ Олтишош деган жойда яшар экан.

Ҳаётларини, ҳисобсиз бойликларини ҳам кўрдик. Ўзимиз ҳам чиройли уйлар қуришга, рўзғорни қулай қилиш учун турли жиҳозлар сотиб олишга, кўпроқ пул топиб, «яхшироқ, фаровонроқ» яшашга рағбат кўрсатдик. Бу рағбатлар тобара кучаяверди, ҳаётимиз қулайлашиб-яхшиланди ҳам, аммо турмушимизда, руҳиятимизда нимадир етишмаётгандай, кўнглимиз нимадандир тўлмаётгандай бўлаверди. Бунинг сабабини орадан кўп йиллар ўтиб яна Муҳаммадшокир

ОДАМЛАР ОРАСИДА БИР ОДАМ

Суҳбат асносида Муҳаммадшокир ака ҳамма нарсани ҳовлисида етиштиришини, кеч кузда уй ёнидаги боғдан чиққан ҳосилни сотиб, кийим-кечак, рўзғор ашёларининг бир йиллигини ғамлаб олишини гапириб берди. Худди бошқа оламга келиб қолгандай бўлдим. Ўшанда Муҳаммадшокир ака, у кишининг аёли ва икки фарзандига раҳмим келган. Шаҳар қулайликларидан узилиб, мана шундай «ғарибона, фақирона» ҳаёт кечираётганига афсусланганман. Иложсизликдан, бирор касби бўлмаганидан шундай ҳаёт тарзини танлаган бўлса керак, дея тахминлар қилганман.

Орадан йиллар ўтиб, улғайдик. Ҳаётнинг икир-чикирларига ақлимиз етадиган бўлди. Кишиларнинг шоҳона уйларини, фаровон

ота уйига йўқлаб борганимда билдим. Анча қартайиб қолган Муҳаммадшокир ота билан суҳбат қураб эканман, турмушидан мамнунлигини изҳор этиб, тинмай Парвардигорга шукрона айтар, сўнгги соатини интиқлик билан кутар эди.

Шунда мен анчадан буён излаган нарсани топгандай бўлдим. Мен оддийликдан, табиийликдан узоқлашиб кетган эканман. Бевозта қалбим аслиятга қайтишни хоҳлаётган экан.

Муҳаммадшокир отанинг аёли дастурхонга қўйган тандир нон, бир ҳовуч туршак ва жийда, сопол косада ивитилган қатиқ, олма билан шафтоли гулидан дамланган чой ҳаётимдаги энг тансиқ ва мазали таом бўлган эди.

Кейинчалик ҳам у киши ҳақида кўп ўйландим. Ёлғиз ўғлига атаб икки қаватли, йигирма беш хонали уй қурган танишимнинг «Ҳали ўзим иккинчи қаватга чиқиб кўришга улгура олмадим», дея зорланганини эшитганимда... Бойликдан, ҳашамдан роса тўйган бир удабуроннинг: «Қишлоқ четига пахса деворли уй қураман, чой чойдишда, овқат ўчоқда қилинадиган бўлади», деган орзуини эшитганимда...лоп этиб ҳаёлимга негадир Муҳаммадшокир ота келаверади.

Шайх Фаридуддин Атторнинг «Манتيкут тайр» китобиде «Девонанинг дунё ва охира



ҳақида айтганлари» деган ҳикоят бор:

Кимса бир девонадин сўрди савол:

Не эмиш ул икки олам чун хаёл?

Деди: бу икки жаҳон баланду наст,

Қатра сувдир, бор эмас ул, йўқ эмас.

Қатрайи сув бўлди аввал ошкор,

Қатрада акс этди сўнг нақши нигор.

Ҳар неким сув эрди, кўр охир ҳисоб,

Гар темирдин эрса ҳам бўлди хароб.

Борму бир нарса темирдек қаттиқ ул?

Боқ, ўшал ҳам сув била ҳосил бўлур.

Ҳар неким ул аввали сув эрди, бас,

Охири тупроқ бўлиб, тонгай абас.

Сувда кўргайму киши сабру қарор?

Сувда тургайму иморат устувор?

Одам (алайҳиссалом) замонида буён курамаз устида не воқеалар бўлмади, кимлар келиб, кимлар кетмади. Дунёни зир титратиб, ҳаммаёқни қонга ботирган саркардаларни ҳам, қудрати ва бойлигининг исига маст бўлиб, ҳатто худолик даъвосини қилган ҳукмдорларни ҳам, илмига, шуҳратига маҳлиё бўлганларни ҳам кўрди бу кураи замин. Улар орасида Муҳаммадшокир ота каби, бир четда, камтарона, ҳеч кимга малоли келмай, Аллоҳнинг Ўзигагина юкуниб яшаб ўтган одамлар ҳам кўп бўлди...

Закариё ТУРСУН

АДАШИШ БОИСИ

Нисо сурасининг 114-оятини мазмуни бундай: «**Кишиларнинг кўп яширин сўзлашувларида, агар садақа беришга ё бирон эзгулик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюриш бўлмаса, яхшилик йўқдир**».

Умму Ҳабиба (розийаллоху анҳо) айтадилар: Расулуллох (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Одам фарзандининг ҳамма гапи, агар яхшиликка буюриш ё ёмонликдан қайтариш ёки Аллоҳ таолони ёд этиш бўлмаса, ўзига зиён келтиради, яхшилик келтирмайди».

Мақсадни қисқа ифодалаш мумкин бўлганида гапни чўзиш фазилат ҳисоланмайди.

Ато ибн Рабоҳ айтади: «Сизлардан олдингилар ортиқча гапни ёқтирмас эдилар. Улар Аллоҳ таолонинг китоби ва Расулуллоҳнинг суннатидан; яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтаришдан; энг зарур ишларга доир мавзудан бошқа мавзуда гапиришмасди. Сизларнинг ҳар бир амалингизни ёзиб тургувчи улуғ фаришталар – ўнг ва чап елкада ўтирган икки фаришта борлигини инкор

қиласизми?! Динингизга ҳам, дунёнгизга ҳам фойдасиз бўлмаган гапларга тўлиб қолган саҳифангиз кўрсатилганида уялмайсизми?!»

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) дедилар: «Тилини ортиқча сўздан тийган ва молдан ортиқчасини инфоқ қилган киши бахтлидир» (*Бағавий ривояти*).

Ибн Масъуд (розийаллоху анҳу) айтади: «Сизларни ортиқча гапдан огоҳлантираман! Киши эҳтиёж даражасида гапирсин».

Мужоҳид (розийаллоху анҳу) дейди: «Албатта, сўзлар

ёзиб борилади. Ҳатто киши фарзандини тинчитиш учун, сенга фалон-фалон нарсаларни сотиб оламан, деса ҳам, ёзиб қўйилади».

Иброҳим Таймий айтади: «Фожир одамнинг тили ҳамиша бўш қўйиб юборилган бўлади».

Олимлардан Язид ибн Абу Ҳабиб айтганларидек, бу оламда адашиш тинглашдан кўра гапириш суюклироқ бўлиб қолгани тўфайлидир.

**Фозил
УРГАНЖИЙ**



БЕЛАРУС РЕСПУБЛИКАСИ



Майдони: 207600 кв. км.
Аҳолиси: 10,2 миллион киши.
Пойтахти: Минск шаҳри.
Тузуми: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Маъмурий тузилиши: 6 та вилоятдан иборат. Йирик шаҳарлари: Гомел, Витебск, Могилев, Гродно, Брест.
Пул бирлиги: беларус рубли.



Милондинг еттинчи асрида ҳозирги Беларус ерларида дрегович, радимич ва кривич деган славян қабилалари яшашган. Тўққизинчи асрга келиб беларус ерлари Киев Руси таркибига кирди. Илк шаҳарлари Минск, Пинск, Брест эса ўн биринчи асрда барпо қилинди. Шундан кейин феодал тарқоқликлар даври бошланиб, мамлакат бир неча майда князликларга бўлиниб кетди. Ўн тўртин-

чи асрдан бошлаб барча беларус ерлари Буюк Литва князлиги таркибига қўшиб олинди. 1569 йили эса Полша ва Литва бирлашиб, Реч Посполита давлатини тузишди ва унинг таркибига Беларусия ҳам кирди. Ўн еттинчи асрдан бошлаб унинг ҳудуди “Белая Рус” номини олди. Кейинчалик Полша ҳудуди бўлиб ташланганида Беларусия ерлари Русия империяси таркибига қўшиб олинди. Биринчи жаҳон урушида Беларусия ерининг ярмини немислар ишғол қилишди. 1919 йили Совет Беларусияси ташкил топди. 1921 йилдаги Рига сулҳ шартномасига кўра, Ғарбий Белару-

сия Полша ихтиёрига ўтиб кетди. Бир йилдан сўнг СССР ташкил этилиб, Беларусия ССР унинг таркибига қўшилди. 1939 йилда Ғарбий Беларус ҳам қайтадан унга қўшиб олинди. 1991 йил 25 августда СССР парчаланиши натижасида мустақил Беларус давлати пайдо бўлди.

Беларус саноати анча тараққий этган. Автомобилсозлик ва



трактор машинасозлиги, кимё, асбобсозлик, радиоэлектроника, енгил, озиқ-овқат, ҳарбий техника каби тармоқлари маҳсулотлари ҳозир ҳам харидоргир. Қишлоқ хўжалигида ғалла, картошка, сабзавот, гўшт ва сут етиштирилади. Четга кўпроқ машинасозлик ва кимё саноати маҳсулотлари, озиқ-овқат сотади. Хориждан эса энергия ресурслари, саноат хомашёси харид қилади. Асосан Русия, Украина, Полша, Олмония, Литва билан савдо-иқтисодий алоқалари ўрнатган.

Беларус аҳолисининг 95 фоизини насронийлар (православ



лар ва католиклар) ташкил этади. Мамлакатда 80 мингдан ортиқ мусулмон яшайди. Бу ерларга Ислоннинг кириб келиши ҳақида турли фаразлар бор. Биргина Гродно вилоятидаги Ивие шаҳарчаси мисолида беларус мусулмонлари тарихи ва бугуни билан яқиндан танишиш мумкин.

Ивиенинг етти минг кишилик аҳолисидан минг нафари, бошқача айтсак, 322 оила мусулмон-татарлардир. Шаҳарда уларнинг масжидлари ҳам қўр тўкиб туради. Масжид муаззинининг сўзларига қараганда, татарларнинг бу ерда пайдо бўлиши ҳақида бир қанча ривоятлар бор. Баъзи тарихчиларнинг айтишича, улар рус императо-



ри Екатерина Иккинчи Русия империяси чегараларини кўриқлаш учун ёллаган татар жангчиларининг авлодларидир.

Ишончли манбаларга кўра, татарлар Ивиёда 1395–1398 йиллари пайдо бўлишган. Уларни олис жанговар юришлардан княз Витовт бошлаб келган. Княз за-

монида Буюк Литва князлиги энг қудратга тўлган даврини бошдан кечираётган бўлиб, Ивие унинг таркибига кирар эди. Татарлар князга содиқлик билан хизмат қилишди ва бир умрга бу шаҳарни маскан тутиб қолишди.

Ивиёдаги кўҳна масжид тарихи ҳам ибратли. Ўн тўққизинчи аср ниҳоясида Ивие қалъасининг охири эгаси полшалик графиня Замойская татарларга анчагина ёғоч-тахтани инъом қилади. 1882 йилда ана шу тахта-ёғочлардан ҳозирги мас-

жид тикланади. Унинг ёнига цилиндр шаклида минора ҳам қуришади. Масжид яқинда намозхонлар маблағи ҳисобига яхшилаб таъмирланди. Ҳайит кунлари Беларуснинг ҳамма еридан, ҳатто қўшни давлатлардан мусулмонлар бу масжидга тўпланиб, ибодат қилишади. Қурбонликлар сўйилиб, гўшти хонадонларга тарқатилади.

Аҳмад ТУРСУН

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник, Москва, 2003 г. стр. 19–21.
2. «Атлас мира», справочник, Москва, 2003 г. стр. 46.
3. Интернет сайтлари.



ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАР САФИДА ЭДИ



Ўн тўққизинчи асрнинг охири чорагидан бошлаб, яъни, Туркистон ўлкаларини Чор Русияси босиб олганидан сўнг соф эътиқодли арбоблар ва илғор зиёлилар аста-секин сиёсий таъқибга учрай бошлади. Қатағон қилинганлар орасида маҳаллий олим ва арбоблардан ташқари, Татаристон ва бошқа ўлкалардан Ўрта Осиёга келиб қолган уламолар ҳам бор эди. Шулардан бири Тошкентдаги масжидлардан бирининг имом-хатиби Ҳасанали Аҳмадёров эди.

Ҳасанали Аҳмадёров 1870 йил 13 февралда ҳозирги Қозоғистоннинг Петропавлов шаҳрида савдогар оиласида туғилди. Шаҳардаги мактаб ва мадрасаларда тиришиб ўқиди. Сўнгра масжидларда имом-хатиб бўлиб ишлади. Кейинчалик Ўзбекистонга келиб, Тошкент масжидларида имомлик қилди. 1934 йилдан Эски шаҳардаги Ҳожи Малик масжидида имом-хатиб бўлди. У 1917 ва 1924 йиллари Уфада ўтган мусулмонлар қурултойларида қатнашди. Татар зиёли ва уламоларидан Абдурашид қози Иброҳимов ва адиб Аёз Исҳоқий, йигирманчи йилларда Бухородан Олмонияга талабалар олиб борган Олимжон Идрисий ва Тошкентдаги таниқли дин арбобларидан Абдувоҳид қори Абдурауфқориев, Заҳириддин Аълам, Камол қози, кейинчалик Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раҳбари бўлиб ишлаган муфтий Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон ва бошқалар билан мулоқотда бўлган. Ҳасанали Абдурашид Иброҳимов Мисрда нашр этган “Ал-Манор”, Туркистонда Абдурахмон Сайёҳ ва Мунаввар қори Абдурашидхонлар нашр этиб турган “Ал-Ислоҳ” каби ўзбекча диний матбуот асарларини мунтазам ўқиб борди. У диний-ижтимоий масалалардан баҳс этувчи мақолаларни ўқиб, мулоҳаза қилибгина қолмай, фойдали томонларини бошқа масжидлардаги имом-хатибларга ҳам сўзлаб берарди, уларни топиб ўқишни тавсия этарди.

Совет махфий хизмати ходимлари ундан фойдаланиш йўллари қидириб, уни Тошкентдаги масжид имомлари ва дин арбоблари ҳақида хабар бериб туришга мажбурлашади. Унга “Пономарёв” деган сохта фамилия ҳам беришади. Лекин Ҳасанали Аҳмадёров уларнинг топшириғини бажармайди ва уламолар ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Бу иши махфий хизмат ходимларини газаблантира бошлади. Шундан кейин 1936 йил 26 феврал куни Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Давлат Хавфсизлик хизмати бошқармасининг

бўлим бошлиғи Матвеев уни чақириб, баъзи бир масалалар бўйича гувоҳ тариқасида жавоб беришини сўради. Ундан: “1934 йил Андижон, Фарғона, Наманган, Кўқонга Заҳириддин Аълам ва Камол қози топшириғи билан бориб келган эдингиз, улардан қандай топшириқ олгансиз ва шу топшириқлар бўйича у ерларда қандай ишларни амалга оширгансиз?” деб сўрашганида, у ерларда бўлиши сабабларини очиқ тушунтиради.

Орадан ўн бир кун ўтказиб, у яна гувоҳликка чақирилди. Энди қамоқда ётган Заҳириддин Аълам, Иброҳим Парпи ва бошқалар билан бирга ҳаракат қилгани ҳақида жавоб беришини талаб қилишди. Бунга Ҳасанали Аҳмадёров Тошкентдаги мусулмон руҳонийлари ичида Куръон ва диний маросимлар масаласи талқини ва ижросини янгилаш бўйича бир янги оқим борлиги ва унга бир неча таниқли уламолар қаторида ўзи ҳам аъзо эканини айтди (*ЎзССР ДХҚ архиви, П-16634, 13-14-бем*).

Лекин терговчи Ҳасанали Аҳмадёровнинг бу гувоҳликларига ишонмай, унга шубҳа билан қарай бошлайди ва орқасидан айблар қидириб, тўхмат материалларни тўплашга киришди. Орадан бир неча ой ўтгач, 1936 йил 31 июл куни ўша вақтлар Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ комиссари бўлиб ишлаган катта майор Загвоздин имзоси билан уни қамоққа олишга қарор қилинди. Бунга “диний ташвиқот ниқоби остида унинг советларга, мавжуд тузумга қарши аксинқилобий фаолиятда қатнашгани” асос этиб олинди.

Шундан бир неча кун сўнг – 1936 йил 9 августда Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ комиссарлигининг Давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлимнинг ходими Колосов Ҳасанали Аҳмадёров яшаб турган уйда тинтув ўтказиб, уни қамоққа олди. Ўша куниёқ қамоқ анкеталари тўлдирилиб, унинг оила аъзолари қайд қилинди ва тергов бошлаб юборилди.

Терговчи Ҳасанали Аҳмадёровни “фош қилиш” учун унинг чет эллардаги яқин танишлари билан алоқаларини суриштира бошлади:

“Савол. Сизнинг яқин танишларингиздан кимлар чет элда яшашади?”

Жавоб. Менинг ҳозирча чет элда турган яқин

танишларим қуйидагилардир: 1. Ҳозир Мисрда яшаб турган Саид Рашид Ризаев. Мен у киши билан 1912 йилда Арабистонда ҳаж қилганимда танишган эдим. 1914 йилдан сўнг у киши билан алоқа қилганим йўқ. 2. 1939 йили яширинча чет элга кетган Мусо Бегиев билан ҳам таниш бўлганман. Ҳозир у кишининг қаердалигини билмайман. У киши билан 1909 йилда танишганимдан сўнг, охириги марта 1924 йилида Уфада мусулмонлар қурултойида кўришдим. Шундан сўнг у билан алоқа бўлган эмас. 3. 1919 йил Колчак билан бирга чет элга ўтиб кетган Аёз Исҳоқийдир. Мен Аёз Исҳоқийни 1919 йилдан танийман, лекин у киши билан ҳеч қандай алоқа йўқ. 4. Олимжон Идрисий билан 1926 йилгача хат орқали доимий алоқа қилиб турдим. У киши билан 1932 йилда вафот этган ўғлим Саидни Берлинга ўқишга жўнатиш масаласида ёзишган эдим. Лекин ўқиш харажати кўп бўлгани учун юборолмадим. 5. Собиқ Тобол губерниясининг Торо шаҳридан бўлган Рашид Иброҳимов билан ҳам таниш бўлганман. 1917 йил октябр инқилобига қадар Истанбулда бўлган, 1920 йилда қайтиб, 1921 йили яна Туркияга яширинча қайтиб кетган. 1935 йилдан Японияда яшаган. Рашид Иброҳимов билан 1915 йилдан бери танишман, 1921 йилдан сўнг у киши билан алоқа йўқ” (*Мазкур архив, 21-бет*).

1936 йил 11 августда яна терговга чақирилиб, қўшимча сўроқ-саволга тутишди, тошкентлик бир неча дин арбоби билан алоқалари ҳақида сўрашди.

1936 йил 20 августда терговчи уни яна Советларга қарши тарғибот олиб борганлик айбномасини бўйнига қўйишга ҳаракат қилди. Ўша кунги тергов баённомасида ушбу жумлалар бор:

“**Савол.** Намоз вақтларида советларга қарши тарғибот олиб борганингиз каби айбларни бўйинингизга оласизми?”

Жавоб. Советларга қарши тарғибот олиб борган, дея устимга қўйилган айбни тан олмайман. Мен фақат сиёсий саводим етишмаслиги туфайли бу борада баъзи бир камчиликларга йўл қўйган бўлишим мумкин.

Савол. Сиз 1935 йил сентябр бошларида боғда бўлганингизда, Японияда турмуш яшиш экан, мусулмонларга ҳурмат жойида, деган японпарастлик гапларни гапирганингизни тан оласизми?”

Жавоб. Мен Японияда мусулмонлар ҳаёти яхши экан, деган гапга сиёсий тус бермаганман, японпарастлик ҳақида тарғибот қилганимни инкор этмайман”. (*ЎзССР ДХҚ архиви, П-16634, 38-бет.*)

Кейин ҳам тергов қийноқлари давом этди. Лекин Ҳасанали Аҳмадёроев ўзига қўйилаётган тўхмат-айбларни рад этаверди. Охири ҳолдан тойиб, ошқозон касали хуруж қила бошлади. Натижада овқатланиши қийинлаша бошлади. Орадан йигирма бир кун ўтгач, Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ комиссариати Давлат хавфсизлиги махсус бошқармаси 4-бўлинмаси бошлиғи, лейтенант Оғабеков Тош-

кент қамоқхонаси бошлиғига Ҳасанали Аҳмадёроев ошқозон саратони билан касаллангани сабабли уни даволаш учун саратон касалликлари институтига юборишни топширди” (*Мазкур архив, 101-бет*).

Шунга қарамай, 1936 йил 3 ноябрда Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ комиссарлигининг махсус мажлиси қарори билан Ҳасанали Аҳмадёроев уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. (*Мазкур архив, 110-бет*). Қамоқ-сургундан ўн саккиз кун кейин Ҳасанали Аҳмадёроев Қозоғистондаги касалхоналардан бирида вафот этди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Москвадаги СССР қамоқ-сургун лагерлари бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосарига Олмаота шаҳридаги сиёсий маҳбуслар қамоқхонаси сурғунда бўлган Ҳасанали Аҳмадёроев 1936 йил 21 ноябрда шаҳар касалхонасида вафот этгани хабар қилинди (*Мазкур ҳужжат, 116-бет*).

Унинг вафотидан сўнг оила аъзолари ҳам рўшнолик кўришмади, доимий сиёсий таъқиб ва кузатув остида кўрқиб яшади. Сталин ўлимидан кейин бир неча йил ўтгачгина бу ҳақда суриштириш имконияти очила бошлади. 1958 йил 7 майда унинг Омск шаҳрида яшаб турган қизи Саида Ҳасанова Ўзбекистон Республикаси прокурори номига отасининг тақдири ҳақида, унинг ишини қайта кўриб, оқланишига ёрдам беришни сўраб, ариза берди.

Орадан бир ярим ойдан кўпроқ вақт ўтиб Ўзбекистон Олий Суди 1958 йил 28 июнда Аҳмадёроев Ҳасаналининг ишини қайта кўриб, унинг устидан чиқарилган 1936 йил 3 ноябрдаги ҳукм айби асосизлиги учун уни бекор қилди. Ҳасанали Аҳмадёроев расман оқланди. (*Мазкур ҳужжат, 121-бет*). Лекин унинг бола-чақалари, ўғил-қизлари, рафиқаси, 68 ёшли касалманд акасининг кейинги ҳаёти ва қисмати қандай кечди, булар ҳақида ҳозирча бирор маълумотга эга эмасмиз.

Шамсиддин Бобохонов Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати собиқ расиси, марҳум оталари ҳақида ёзган рус тилидаги китобида муфтий ёшлик йилларида тафсир илмини Ҳасан ҳазрат (Ҳасанали Аҳмадёроев — Ш.Т.)дан ўрганганини эслатиб ўтган (“*Муфти Зияутдинхан ибн Эшон Бабаханов. Жизнь и деятельность*”. Издательство “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, Тошкент, 1999 г.).

Собиқ рус империясига қарашли Петропавловскда (ҳозирги Қозоғистонда) туғилиб, кейинчалик Ўзбекистонга келган ва Тошкентдаги Ҳожи Малик масжидининг имом-хатиби бўлган ва тақдир тақозоси билан 1936 йилда қамалиб, азобуқубатда ўлган таниқли олим Ҳасанали Аҳмадёроевнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди

ТУШКУНЛИККА ЎРИН ЙЎҚ!

Атоқли маърифатпарвар Ризоуддин ибн Фахриддин бундай ёзади: «Балоларга сабр қилиш ва қазоларга бўйсунуш бало бўлмайдиган ва қазолар кўрилмайдиган жойга олиб борадиган бирдан-бир йўлдир. Одам боласи қайғу, ҳасрат кўрмай умр кечирishi мумкин эмас. Турмуш ва ҳаёт чангалзор оралаб юришдан, машаққат тўлқинлари билан курашиб, сузишдан иборат. Ақлли киши шу машаққатлардан кўрқмаслиги, келажакдаги роҳатларга умид боғлаб, ушбу машаққатлардан енгилмаслиги, кўнглини чўктирмаслиги зарур. Ҳар оғирлик ортидан бир енгиллик келишини Яратганнинг ўзи ваъда қилиб қўйган. Оқил киши шу ваъдани хотирлаб, кўнглини хотиржам қилади, ўзига тасалли беради. «Бошқа кишилар роҳатда юрадилар, қайғулари йўқ, ғам-аламли биргина менман», деб гумон қилиш янглиш ва зарарлидир...».

Кўпчилик тушкун кайфиятда қолган пайтлари доврираб, мусибатлар кўламини ва охирини ўйлаб ваҳимага берилади. Бир ғами ўн бўлади, ҳаётдан файз, турмушидан лаззат кетади. Ваҳоланки, ҳаёт асло бир маромда кечмайди. Тун кунга алмашгани, қиш ўрнини ёзга бўшатганидай, ҳамма нарса навбати билан алмашиб туради.

Яратганнинг амрисиз инсонга битта тикан ҳам кирмайди. Соф исломий ақида қалбингизга ўрнашса, иншааллоҳ, балони катта неъмат сингари қабул қила оласиз.

Аллоҳ таоло кимга яхшилиқни ирода қилса, унга мусибат юборади. Сизни агар бирор безовталик, касаллик, мусибат ёки молиявий инқироз ушласа, бундан фожиа ясаб, изтироб чека-

верманг. Аллоҳ ўша нарсани тақдирда битиб қўйган.

Тарих энг яхши ибрат. Ўтмиш воқеаларига теранроқ назар ташланг: ҳатто энг буюк инсонлар ҳам турли бало-мусибатларга, таъна-маломатларга, қийноқ-азобларга дучор бўлишган. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) бошларига Макка мушриклари не-не кулфатларни солишмади, қандоқ қийноқларга мубтало қилишмади! Тоифликлар у зотнинг орқаларидан тош отиб, масхаралаб шаҳардан ҳайдаб чиқаришди. Набиралари Имом Хусайн қатл этилди. Имом Бухорийдай зот ҳам хўрланди, камситилди, Бухородан ҳайдаб чиқарилди. Имоми Аъзам, Имом Сарахсий ва Имом Аҳмад зиндонга ташланишди.

Сиз кўрққан, ҳадиксираган, олдини олмоқчи бўлган воқеа содир бўлиб қолса, сабрли бўлаверинг. «Ундоқ қилганимда бундоқ-бундоқ бўлар эди, агар анави ишни қилмаганимда, эҳтимол, бунинг олди олиниб қоларди» дегандек сохта гумонлар қуршовига тушиб қолманг. Фақат «Булар Яратганнинг тақдиридир, У хоҳлагани албатта бўлади, хоҳламаган нарсаси асло рўёбга чиқмайди», деган ҳақиқатдан ўзингизга тасалли топинг.

Мусибатларни мардона қарши олсангиз, уларни Яратганнинг синови сифатида қабул қилсангиз, бу бирор қилмишимнинг жазосимикин ёхуд бирор хатойимга эвазмикин, деб хулоса чиқарсангиз бўлди. Донолар насиҳат қилганидай, мусибатлар кўзга малҳам, дилга қувватдир.

Виям Жеймс бундай дейди: «Мусибатларимиз биз кутмаган даражада ёрдам беради. Агар Достоевский ва Толстой фожиали ҳаёт кечирш-

маганида асрлар оша қўлдан-қўлга ўтиб ўқиб келинаётган китобларини ёзишмас эди». Ибн Асир «Жомийул усул» ва «Ниҳоя» номли ажойиб китобларини юра олмай уйда михланиб қолганида ёзган. Имом Сарахсий ўн беш жилдли машҳур «Мабсут» китобини қудуқда ҳибс қилиб қўйишганида ёзган.

Аждодларимиз ҳикоя қилишларича, ўтмишда одамлар бошларига кетма-кет ғам-алам келса, «Ҳали ҳаммаси аслига келади, булар тезда унутилади, бу бизларга бир синов-да», деб хотиржам бўлишар экан. Ҳақиқатан, улар кутганидай соатлар, кунлар ўтгани сайин ғамлар чекинади, дил яралари битади, мусибатлар унутилади.

Бир франсуз олимнинг хотираларида ажойиб воқеа тилга олинган: «Биз Жазоир қишлоқларидан бирида илмий экспедитсияда эдик. Бир куни туйқусдан қаттиқ шамол кўтарилди. Бош кўтаришнинг, кўзни очишнинг имкони йўқ. Ерли аҳоли нима қилиб бўлса-да ўзларини ва мол-мулкларини қутқариб қолишга уринарди. Шамол эса кучайгандан-кучаяр, йўлида нима тўғри келса, пирпиратиб учуриб юборар эди.

Шу зайлда кучли шамол бир неча кунгача тинмади. Зарар кўрмаган бирорта хонадон, уй бўлмади. Тирик ҳайвонлардан омон қолганини ҳеч ким кўрмади. Дов-дарахт, экин-тикин ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлаверди. Умуман қишлоқда ҳаёт асари кўринмас эди. Биз ўзимизча: «Энди аҳоли бу фалокат еридан бошқа жойга кўчиб кетса керак», деб ўйлардик.

Шамол қандай бошланган бўлса, шундай тўхтади. Аммо қишлоқда биз кутган нарсаларнинг бирортаси ҳам содир бўлмади. Ҳеч ким довой солмади, ҳеч ким бўлиб ўтган фалокатдан, мол-мулкдан ажраганидан, уйи вайрон бўлганидан шикоят қилмади. Ҳамма яширинган жойидан чиқиб, ҳеч нарса бўлмагандек, қолган-қутган нарсаларини йиғиштиришга, тартибга солишга киришди. Ҳеч ким кўрилган зарарига афсуснадомат чекмас, қолган нарсаларидан фойдаланиб, ҳаётини қайтадан изга солиш пайида бўлар эди. Бу оддий, саҳройи кишиларнинг фалокат олдида ўзларини хотиржам тутишлари, содир бўлган ишга ачиниб-хафа бўлмасликлари мени ниҳоятда ҳайратга солди».

Америка анархиячиларининг собиқ йўлбошчиси 2001 йили мусулмон бўлган Абдул Вадуд (Сэм) Хайсмитдан «Исломига киришингизга нима сабаб бўлган?» деб сўрашганида бундай жавоб

берган: «Мен кўп саёҳатга чиқар эдим. Бир гал Мавританияда бўлганимда у ердаги мусулмонлар ҳаёти билан танишгач, мен учун бундан бошқа муносиб йўл йўқлигини англаб етдим. Одамларнинг бир маромдаги осуда турмуши, уларнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам тушкунликка тушмай, ҳаммасини тақдирнинг ёзиғи сифатида қабул қилишлари, энг кескин вазиятларда ҳам бир-бирларига ғазабларини сочмай, яхши муомаллада бўлишларини кўриб, ҳар гал ҳайратга тушавердим. Бир гал Нуакшотнинг марказий кўчасида иккита энгил автомобил бир-бири билан тўқнашиб кетди. Ҳайдовчилар ойнадан бошларини чиқариб, табассум ила бир-бирларига нимадир дейишди. Тилмочдан сўрасам: «Жонингизга зарар етмадим, Аллоҳ катта фалокатлардан асрасин», дейишган экан. Шунда бу воқеа Нью-Йорк кўчаларида содир бўлганида иккала ҳайдовчи ўзини қандай тутишини кўз олдимга келтирдим: бошда айб кимдалигини ҳал қилиш учун иккови роса даҳанаки жанг қилган, ҳатто ёқалашишгача борган бўлар эди. Кейин полицияга, суғурта ширкатига кўнғироқ қилишади. Бир неча гувоҳ иштирокида экспертиза ўтказилади. Қанчалаб маблағ сарфиёти, асаббузишлар, судбозлик машмашалари, суғуртачиларнинг қурумсоқлиги... Қўйинг-чи, битта автоҳалокатнинг охирига етишдан кўра янги машина сотиб олиш осонроқ кўчади. Хуллас, мавританияликларнинг осойишта, бир маромдаги ҳаёти қарашларимни тубдан ўзгатириб юборди».

Агар бошингизга ғам-алам тушса, оҳ-воҳ чекиб, зорланиб юрманг. Бошқаларга яхшилик қилинг, атрофингиздагиларга гўзаллик улашинг. Шунда қийинчиликдан тез чиқасиз. Агар сизни нохуш ўй-хаёллар ўраб, ҳаётингиз ташвиш-мусибатлар селига кўмилиб кетса, маҳрум-муҳтожларга ҳадя қилинг, мазлумга ёрдам қўлини чўзинг, бошига қийинчилик тушганни балодан қутқаринг, очларни тўйдиринг, касалларни бориб кўринг, жабр кўрганларга тасалли беринг. Шунда ортингиздан ҳам, олдингиздан ҳам саодат-хурсандчилик ўраб олади.

Бузургмехрдан сўрадилар:

— Сен нега қўлингдан кетган нарсага хафа бўлмайсан ва қўлингга келган нарсага шодланмайсан?

У деди:

— Қўлдан кетган нарсани хафагарчилик билан топиб бўлмайди, азиз умрни эса мол-дунё

шодлиги билан беҳуда ўтказиб бўлмайди. Шундай экан, нега энди фойдасиз нарса учун ғам чекай, менга бир умр вафо қилмайдиган нарса билан қувонай?!

Аллоҳ сиздан бирор нарсани олса-ю, агар сабр қилсангиз ва савоб умидида бўлсангиз, ўша нарса учун сизга эваз беради. Хабарларда: «Кимнинг икки кўзини олсам (яъни, кўр қилиб қўйсам), ўрнига жаннатни эваз қилиб бераман. Кимнинг дунё аҳлидан дўсти (жонини) тортиб олсам, жаннатни эваз қилиб бераман», дейилади.

Ким ўғлини ёки қизини йўқотса ва бунга сабр қилса, абадият диёрида унга атаб мақтов уйи қурилади. Агар Аллоҳ сизни фарзанддан қисган бўлса, бунга ҳам сабр қилинг. Чунки У баъзи инсонларни шу йўл билан ҳам имтиҳон қилади. Ёки сизни ҳусндан, бўйдан, мол-дунёдан, қариндош-уруғдан ёки дўстдан, чиройли хотиндан, уйдан, уловдан, борингки, қайси неъматидан қисган бўлса, асло ўқсинманг, тушқунликка тушманг, асабингизни бузиб юрманг. Бу сизнинг камситилганингиз ёки ёқмай қолганингиздан эмас, балки Аллоҳ таоло сизга яхшиликни истагани туфайли дунё синовларига дучор қилганидандир.

Жаъфар АҲСИКАТИЙ

“Одамларга шукр қилувчи одам Аллоҳга шукр қилувчи кишилар жумласидан ҳисобланади”.

Мутафаккир олимларнинг сўзларига кўра, Аллоҳ таолога қилинган ҳақиқий шукр:

- 1) неъмат берувчи Зотни таъниш;
- 2) неъмат бергани учун дилдан шодланиш;
- 3) неъматни тегишли ерларга ишлатишдир.

Инсонларга бўладиган шукр эса, уларнинг яхшиликларини билиш ва миннатдорлик билдириб, қўлдан келганича уларга ҳурмат ва марҳамат кўрсатишдан иборат.

Неъматга шукр қилиш, яхши ахлоқдан бўлиши билан бирга,

латиф бўлганидан ушбу ҳадиси шариф муносабати билан уни баён қиламиз:

Бир мажлисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳассон исмли саҳобадан жоҳилият замонидаги шеърларидан ўқиб беришини сўрадилар. Ҳассон Алқима ибн Алоса* қўшиб айтилган ҳажвни ўқиди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳассонга қараб: “Эй Ҳассон, бундан кейин менинг ҳузуримда бу ҳажвни ўқима!” дедилар.



ЯХШИЛИК ҚАДР ТОПМАСА...

ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳимдир. Зеро, ношукрлик туфайли жамиятда кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин. Шукр неъматнинг давомли бўлишига сабаб бўлса, неъматнинг шукрини адо этмаслик унинг кесилишига ва тўхтаб қолишига сабаб бўлади.

Яхшиликнинг қадрига етилмаса, муносиб баҳоланмаса, моддий ва маънавий рағбатлантирилмаса, одамларнинг эзгу хизматлардан кўнгиллари совийди.

Эзгуликлари ва неъматлари эвазига бирон мукофот умид қилмай, хизматлари қадрини билмаётганларга эътибор бермай, холис Аллоҳ йўлида яхшиликлар қилаётган кишилар ҳам бор. Лекин бундай одамлар жуда ҳам оз. Шу сабабдан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бандаларнинг яхшиликлари, етказган фойдалари ва қилган хизматлари учун шукр этиш лозимлигини ва бу шукр ҳақиқатда Аллоҳ таолога шукр қилиш эканини ҳадиси шарифда баён этдилар.

Шайх Абдул Қодир Журжоний зикр қилган бир ҳикоя жуда ҳам

Ҳассон: “Эй Расулуллоҳ, бунда ҳажв қилинган Алқима Қайсар подшоҳи ҳузурда турувчи бир мушрикдир, унинг ҳажв қилинишида нима зарар бор?” деб савол берди.

Шунда Расулуллоҳ: “Қайсар мен ҳақимда сўраганида Абу Суфён мени ёмонлашга ҳаракат қилган, Алқима эса мени рост ва яхши таърифлаган. Бу яхшиликка мукофот бериш зарур”, дедилар. Сўнг: “Одамларга шукр қилувчи одам Аллоҳга шукр қилувчи кишилар жумласидан ҳисобланади”, деб марҳамат қилдилар.

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

* Алқима Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонларида мусулмон бўлган эди. Қандайдир сабабларга кўра кейин муртад бўлиб, Шомга кетди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларида Рум Қайсарига яхши гапларни ўша пайтда айтган. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин яна Исломга қайтди. Муҳаддислар уни саҳобалар қаторида зикр қилишади.

БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво ҳайъати жавоб беради

Савол: Васваса қаердан келади? Унга қарши курашиши учун дуо борми?

**АБДУЛАЗИМ,
Шофиркон**

гувчи, билгувчи Зотдир” (Фуссилат, 36).

Ўзини шайтон васваса қилаётганини ҳис этган киши икки “Кул аъзу...” сурасини ва “Оятал курсий”ни ўқиши керак.

Савол: Намоз чоғида қайси амалларни қилиш кароҳиятли саналади?

**ШУҲРАТ,
Асака**

Жавоб: Қуйидагилар намоздаги макруҳ амаллар ҳисобланади:

– намозда хушўйсиз, бепарво қилинган ҳар бир амал;

– агар намозхон тупроққа сажда қилган бўлса, намоздан турганида пешонасини тозалаб артиши;

– саждани бош кийими пешонасига тушган ҳолда қилиши. Яъни, бош кийим тўсиб, пешонанинг саждада ерга тегмай қолиши;

– эр кишилар сажда ҳолатида билакларини ерга теккизиши;

– намоз ўқувчи кийимини осилтириб ёки елкасига ташлаб ёхуд йиғиштириб, енгини шимариб олиши;

– олдинги сафда бўш жой бўлгани ҳолда кейинги сафда туриб намоз ўқиш;

– намозхоннинг кийимида, сажда жойида, олд ва икки ён тарафида ҳайвонот ёки инсон сурати бўлиши (лекин бу сурат жуда кичик ёки боши ўчирилган бўлса, зарари йўқ);

– эски иш кийими билан ўқиш;

– намоз ўқиётган пайтида қироатини ва тасбеҳларини қўл билан санаб туриш.

Савол: Айрим намозхонлар кўзларини юмиб намоз ўқишади.. Шу тўғрими?

**МАЪРУФ,
Денов**

Жавоб: Йўқ, бундай намоз ўқиш суннатга хилофдир. Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) ҳеч қачон кўзларини юмиб намоз ўқимаганлар. Оиша онамиз (розийаллоҳу анҳа): “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз ўқисалар, бошларини эгиб, ерга қараб турар эдилар”, деб айтганлар (*Ҳоким ривояти*). Бошқа бир ривоятда Пайгамбарнинг (алайҳиссалом) нигоҳлари сажда ўрнидан нарига ўтмагани нақл қилинган (*Ҳоким ривояти*).

Намозда ҳар бир аъзонинг ўз ўрни бор, шунингдек, кўзники ҳам. Бу ҳақдаги масала фикҳ китобларимизда батафсил ёритилган. Яъни, қиёмда сажда ўрнига, рукуда оёқлар орасига, саждада бурун учига, қаъдада кўкракка қараб турилади.

Уламолар кўзни юмиб намоз ўқишни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амалларига терс бўлгани учун макруҳ санашган.

Ҳайъат раҳбари
Абдулазиз МАНСУР

Жавоб: Васваса – шайтон кўнгилга соладиган ёмон фикрлар ва ўйлардир. Ҳадиси шарифларда шайтон инсоннинг қон йўлларида юриши айtilган. Аллоҳ таборака ва таоло васваса туфайли бандани жазоламайди. Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) айтганлар: “Аллоҳ таоло умматимни кўнглидаги ўйи учун, уни сўзламаса ёки амалга оширмаса, жазоламайди”.

Саҳобалар Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аҳён-аҳёнда шайтон қалбларига айтиб бўлмас нарсаларни келтиришидан шикоят қилишганида, у зот шайтонни назарда тутиб: “Унинг ҳийла-макрини васвасага буриб юборган Аллоҳга ҳамд бўлсин”, деганлар.

Васвасага йўлиққан киши Аллоҳ жалла жалалуҳу номини зикр этиб, унга қарши курашиши ва ундан халос бўлишга интилиши керак, чунки Куръони мажидда бундай дейилади: “Агар сизни шайтон бирон васваса билан йўлдан оздириб (мазкур хислат эгаси бўлишдан) қайтармоқчи бўлса, у ҳолда Аллоҳдан паноҳ сўранг. Зеро, у эшит-

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ

Ошиқмисан ва ё ўткинчи?..

(Ҳаж дафтаридан)

1

Байтуллоҳга ёпишган сайин
Қалбим эриб кетмоқда сим-сим.
Дардим ёлғиз сенга айтяпман,
Сенга айтмай кимга айтайин...

Барча сирдан воқиф Зотдирсан,
Оёқсизга Сен қанотдирсан.
Қодир, Басир ҳам Ҳаётдирсан,
Сенга айтмай кимга айтайин...

Гуноҳларим тоғ каби, ё Раб!
Дардли қалбим соғ каби, ё Раб!
Яшнат мени боғ каби, ё Раб!
Сенга айтмай кимга айтайин...

Ҳаммадан мен ёмонман, ёмон,
Лекин бугун мен Сенга меҳмон.
Гуноҳдан пок айлагин, Султон!
Сенга айтмай кимга айтайин...

2

Иброҳим бу эмас ўтинчи,
Баҳоуддин қалблар севинчи.
Шулар каби келибсан, айт-чи,
Ошиқмисан ва ё ўткинчи?

Улугбекка насиб этмади,
Алишербек унга етмади.
Не даҳолар таклиф кутмади?
Ошиқмисан ва ё ўткинчи?

Қаъбатуллоҳ висол маскани,
Ошиқларга жамол маскани,
Бегонага хаёл маскани,
Ошиқмисан ва ё ўткинчи?

Кўзёшларинг жола бўлдим?
Тавбаларинг нола бўлдим?
Дил ошиқи вола бўлдим?
Ошиқмисан ва ё ўткинчи?

Булҳаваслар келар-да кетар,
Дема улар мақсудга етар,
Бу Қаъба чин ошиқни кутар,
Ошиқмисан ва ё ўткинчи?

3

Бу тоғларнинг кўзлари бор,
Пайғамбарни кўргандир!


Бу тоғларнинг сўзлари бор.
Набийдан ҳол сўрагандир.

Бу тоғларнинг қалби бордир,
Қалби жуда мулойим,
Расул учун кўзи чордир,
Расулни севган доим!

Тоғу тошлар Пайғамбарни
Таниб келтирди имон,
Лек мушриклар Пайғамбарга
Ташланди мисли илон...

Гарчи Ислом бир қуёшдир,
Мўминларга аён нур,
Мушрикларнинг қалби тошдир,
Мушрикларнинг кўзи кўр!

Бу тоғларнинг кўзлари бор,
Пайғамбарни кўргандир!



Ҳабиба БУРҲОН қизи

* * *

Бу дунёни бир япроққа ўхшатаман,
Жисму жоним ер-тупроққа ўхшатаман.
Бир инсоннинг ҳаётга келиб-кетишин
Ёниб ўчган нур-чақмоққа ўхшатаман.

Ўзингга юзландим

Гоҳида онам ҳам билмаса дардим,
Барча менга боқса бепарвою жим.
Сездирмай йиғласа армонли қалбим,
Ўзингга юзландим, яратган Раббим.

Баҳорим келди-ю, гуллаёлмадим,
Қуёшим қулди-ю, нурга қонмадим.
Бошим тошга тегиб, унсиз йиғладим,
Ўзингга юзландим, яратган Раббим.

Боғларимда унди на гул, на ниҳол,
Меҳнатдан қоматим букилди беҳол,
Ёдга олдим Сени, тикландим дарҳол,
Ўзингга юзландим, яратган Раббим.



Ғаллаорол

Тўра МИРЗО

Пайғамбар (алайҳиссалом) мўъжизалари

*Ғариб бирла етимга мурувватлиғ Муҳаммад,
Йўлдин озғон гумроҳга ҳидоятлиғ Муҳаммад.
Муҳим тушса ҳар кимга, кифоятлиғ Муҳаммад,
Абу Жаҳл, Бу Лаҳабга сиёсатлиғ Муҳаммад.*

Аҳмад Яссавий

* * *

“Аллоҳу акбар” саси
Сарҳадларни кучарди.
Набийнинг хуш нафаси
Қуш мисоли учарди.
Бу нафасдан руҳ тиниб,
Аллоҳ исмин танирлар.
Шайтоннинг илки синиб,
Раҳмон дея ёнурлар.
Аллоҳ дейди огоҳлар
Сажда учун эгилиб.
Эгилган сайин қалқар
Буюк бўлиб, тик бўлиб.
Пайғамбар пайғомидан
Юксак муслим ҳаваси.
Ёлғиз Аллоҳ номидан
Расулнинг мўъжизаси.

* * *

Расулulloҳ мўл юрган,
Тошлоқ, ботқоқ йўл юрган.
То ниятга еткунча
Сахро юрган, чўл юрган.
Аллоҳ ҳамроҳи эди,
Дуо ардоғи эди.
Тиканли йўллар ҳатто
Аллоҳнинг боғи эди.
Ҳазрат алайҳиссалом
Муслимга салом берар.
Ҳофизаси батамом
Аллоҳдан калом терар.
Офтоб жазирасида
Кезса чўлу биёбон.
Пайғамбар тепасида
Булут бўлар соябон.

* * *

Пайғамбарнинг кўзлари
Ўткир эди, нур эди.
Кўзларида сўзлари,
Минг ҳикмат зухур эди.
Расулulloҳ тикилса,
Тиғ тутган ёғий қулар.
Баланд тоққа тик келса,
Тоғ оҳ уриб йиқилар.

Меҳр билан боққанда
Гул сочилар хайридин.
Дуо қилар чин қалбдан,
Муслим бўлар ғайридин.
Кўз билан узар ўзи
Душманлар тортган сафни.
Набийнинг икки кўзи
Кўради тўрт тарафни.

* * *

Пайғамбар манглайини
Нурлар макон айламиш.
Нурнинг аъло, майини
Пешонасин бойламиш.
Чанг-тўзонда қолса ҳам
Юз-кўзига инмас гард.
Ёвлар ўраб олса ҳам
Толмас, тоймас,
синмас мард.

Қутлуғ пешонасидан
Тер томганда тиконга
Гул ўсди бир расида,
Чўл восилдир бўстонга.
Гуллар хушбўй, анвойи,
Даста-даста сайланар.
Вобаста гулга пойи,
Жой гулзорга айланар.

* * *

Пайғамбар отса одим
Яқинлаб келар олис.
Оёғини қўйган зум
Мулоимдир дала-туз.
Ҳалимдай юмшар
ҳарсанг,
Бермаслик учун озор.
Бир одимдай минг
фарсаҳ
Йўл бўшатар бахтиёр.
Мағриб унга бир қадам,
Бир одимдир Машрик-да.
Изидан чопар гул ҳам,
Набийга ул ошиқ-да.
Пахтадай момиқ бўлар
Қадим тошларнинг кафти.

Йўлда чечак қулар:
Пайғамбар келаяпти...

* * *

Пайғамбар қилсалар жаҳд,
Сўғишда ғозий бўлар.
Сафда турса тумонат,
Набий дарози бўлар.
Расулulloҳ каломи,
Ҳадиси, уйи баланд.
Офтоб берар саломин,
Набийнинг бўйи баланд.
Муслимга Расулulloҳ
Имондан сўйлаб турар.
Тиз букару баланд тоғ
Пайғамбар бўйлаб турар.
Эшитган эл эгар бош
Муборак Набий номин.
Саждага чўкар қуёш,
Аллоҳу акбар... Омин...



Фармонқул РАСУЛОВ

* * *

Тупроқдин яралмиш аслида инсон,
Охири тупроққа қайтар бегумон.
Раббим ризосига эришмоқ учун
Ихлос ва ибодат ягона имкон.

* * *

Душманингиз ким деб
сўрсам атайин,
Дейишар: у баттол шайтони лаъин.
Фақат ким нафсини этмаса мағлуб
Шайтон йўриғига юрмоғи тайин.

* * *

Майсалар ютаркан заҳарли газни
Инсонга қайтарар ҳаёт нафасин,
Ажаб, гоҳ инсонга яхшилик қилсанг,
Юракка санчади заҳар найзасин.

* * *

Сўзамол бир киши узоқ сўйлади,
Ҳамма ишонди деб хато ўйлади.
Аслида тўғри гап қисқа бўлар-ку,
Ўзни доно билиб, хато айлади.

*Китоб шаҳар, “Хожа Бухорий” Ислои
ўрта-маҳсуи билим юрти*



Доктор Меҳмет ОҚҚУШ,
Анқара университети профессори, турк-ислом адабиёти
Онабилим бўлими бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОНДАН ОНАДУЎЛИГА ИЛМ-ИРФОН ҲАРАКАТИ

Милодий XI асрда Онадўли ерларига кирган турклар янги ўрнашган ҳудудларида маҳаллий аҳоли билан баъзи маданий ва диний масалаларда тортишувлар қила бошлашди. Кўч-кўронлари билан келган бу турклар фақат қишлоқ хўжалиги, экин-тикин ва чорва соҳасидагина эмас, аynи пайтда янги маданиятни юзага келтириш борасида ҳам ҳаракат қилишарди. Хуллас, Хуросон диёри дея аталувчи заминдан неча-неча дарвешлар, олимлар ва алплар шундай фаолият учун Онадўли тупроқларига оқиб келдилар. Онадўлига кўчиб келгунча ҳам турклар орасида Ислom яхшигина ўрнашиб олган ва ўша пайтдаги мадрасаларда мусбат илmlар соҳасида анча-мунча ютуқларга эришилган эди. Шунга қарамасдан кўнгил султонлари ҳисобланган бир неча мутасаввифлар ўзлари тарбиялаб, вояга етказган муридларини фақат ғарбга йўллашар эди.

Албатта, бу хил ҳижратга баъзи сиёсий воқеалар ҳам сабабчи эди. Натижада Онадўлининг кўп шаҳарларида одамлар янги хизмат даргоҳларига эга бўлишди.

Онадўлининг янада исломлашувида муҳим ўрин тутган бу хил фаолиятлар тўғрисида каттагина мақола ёзган Умар Лутфи Барқан ҳижрат қилган дарвешлар ҳақида бундай дейди:

«Балх, Бухоро ва Хуросон томонларидан неча-неча эранларнинг (авлиё зотларнинг) келиб, бу ерларни ватан тутишларида кўп маънолар бор. Масалан, қабри Бурсада жойлашган Шайх Абдол Мурод Хуросон эранларидан бўлиб, Бурса фатҳида қатнашган. Шайх Айдол Мусо Яссавий фу-

қаросидандир ва ҳожи Бектош ила Румга келмишдир. Амир Султон ҳусайний насабдур. Бухорода туғилган, вояга етган Шайх Кийикли Бобо Султон ҳам фуқаройи Яссавийдандир»¹.

Шарқ ва ғарбдан Онадўлининг турли музофотларига кўчиб келиб, бу ерлик халқнинг дини ва маданияти ривожига катта таъсир кўрсатган шахсиятлардан баъзиларини санасак, булар Аҳмад Яссавий, Муҳйиддин Ибн Арабий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Саййид Яҳёи Ширвоний, Луқмон Паранда, Дада Қарчин ва бошқалар.

Онадўли диний ва маданий ҳаётининг ўзгаришига, инсонларнинг Ислom маданияти билан танишиб, бу маданиятнинг тараққий топишида айниқса Ўзбекистон диёрининг илм, фикр ва тасаввуф арбобларининг таъсири катта бўлган.

Муридлари билан Онадўли ҳудудида катта ишлар қилган эранларнинг йўлбошчиси Аҳмад Яссавийдир. У маълум муддат Бухорода яшаган, Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушиб, маънавий камолот дарсларини ундан олди. Устози вафотидан кейин унинг ўрнига иршод фаолиятларини давом эттирди. Таълимини Бухорода яқунлади. Аҳмад Яссавийнинг бир қанча муридлари бўлган.² Шу халифаларидан Луқмони Паранда вояга етказган ҳожи Бектоши Вали ҳам (1281-1338) Онадўлига кўчиб келган эранлардандир. Бу зотнинг Онадўли ва Рум элига таъсири ниҳоятда катта бўлди. Вафотидан сўнг бектошийлик мактаби юзага келди.

Асли бухоролик бўлиб, Онадўлига ҳижрат қилганлардан яна бири Ҳасан Ҳусомуд-

дин Ушоқдир. Бухоро музофотида 1475 йили дунёга келган бу зотнинг отаси тижорат билан шуғулланарди. Ҳасан Ҳусомуддин зоҳирий илмларни отасидан олди. Отасининг вафотидан кейин кўрган бир тушида унга бундай дейилди.

«Тижоратнинг одамга машаққат ва қийинчилик берувчи фойдасиз ташвишлари асосан ҳақиқат аҳли учун зарарли ишлардандир. Агар сен охираат саодатини истасанг, бу дунёнинг сон-саноксиз ва фойдасиз машғулотларидан юз ўгир ва Онадўлидаги Ушоқ шаҳрида яшовчи Шайх Амир Афандига талаба бўлгин, ундан маънавий таълим ол».

Тушда Шайх Амир Афанди дея тилга олинган зот аслида Аҳмади Самарқандий исми билан машҳур зотдир. Ҳозир қабрлари Ушоқнинг Қибоқли шаҳридадир.

Ҳасан Ҳусомуддин Аҳмад Самарқандий ҳузурида таълим олиб, камолотга етди ва у зотнинг вафотидан сўнг хизматини давом эттирди. Бу ерда амалга оширган илм таҳсиллари ва маънавий иршоиди атрофдаги музофотларга ҳам танилди. Чунончи, ўша пайтларда Маниса вилоятига волий бўлган Усмонли шаҳзода Мурод Учинчи у билан кўришган, подшоҳ бўлганидан кейин эса, уни Истанбулга чақирган. Истанбулда у учун турар жой, масжид ва такка қуриб берди. Ҳасан Ҳусомуддин Афанди Ҳижоздан қайтаётганида 1593 йили вафот этган. Кейин ҳам юзлаб шогирдларининг турк халқи ичида таъсири кучли бўлган.³

Фотиҳ Султон Меҳмед ҳам илм, адабиёт ва дин олимларига рағбат кўрсатувчи, уларни қўллаб-қувватловчи подшоҳ эди. Ўз даврида бир неча олимларни Истанбулга чақириб олган. Булар орасида асли самарқандлик бўлган машҳур астроном Али Қушчи ҳам бор. Математика ва астрономия соҳасида бу таниқли олим Фотиҳнинг таклифига бинан Истанбулга келди, бир шогирд чиқаргач, 1474 йили шу ерда вафот этди.

Усмонли ва турк жамоатида неча асрлардан бери маънавий таъсирини ўтказиб келаётган мутасаввифлардан бири Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389)дирлар. У киши исмлари билан аталувчи тариқат ҳали ҳам давом этмоқда.

Фотиҳнинг тасаввуф арбобларига, хусусан, Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг му-

таносибларига (муридларига, талабаларига, у зотга эргашувчиларга.-Тарж.) муҳаббати билан эди. Чунончи, ҳожа Исҳоқ Бухорий учун Истанбулда такка қурдирган.⁵ Истанбулга нақшбандийликни олиб келган Мулла Илоҳий (897 йилда вафот этган) эса, асли симовлик бўлса ҳам, маънавий камолотга Самарқандда, Убайдуллоҳ Аҳрор ҳузурларида етишди. Самарқанддан халифаси Саййид Аҳмад Бухорий билан бирга Симовга қайтди ва маълум вақт бу ерда туришди. Аҳмад Бухорий Фотиҳ замонида, Мулла Илоҳий эса Фотиҳ вафотидан сўнгра Истанбулга кўчиб келишган.



Истанбулда яна бир Амир Аҳмад Бухорий (1516 йили вафот этган) учун ҳам такка қурилган. Буларнинг ёнидаги Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг невараси Хожа Файзуллоҳ Афанди ҳам Тошкентда туғилиб, Истанбулга келган табаррук зотлардандир.

Туркчадан
Мурод ТИЛАВ
ўғирди

1 «Истило даврининг колонизатор турк дарвешлари ва зовийалар», «Тасаввуф китоби» нашриёти, 2003, 141-191-бетлар. Бу дарвешлар ва илм мансублари қандай фаолият юргизгани ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг. Решад Ўнгўрген «Усмонлида сўфийларнинг фарқли жамоатлар билан муносабатлари» «Ислом тадқиқотлари», журнали, 1999, №3, 9–22-бетлар.

2. Др. Фуад Кўпрулу. «Турк адабиётида илк мутасаввифлар», Диёнат ишлари бошқонлиги нашрлари, Анқара, 1991, 174–180-бетлар.

3. Қаранг: «Ҳусомиддин Ушоқий», доктор Маҳмуд Аккучи.

4. Қаранг: Қосим Куфрали, «Мулла Илоҳий ва кейинги Нақшбандийя муҳити», «Тасаввуф китоби» (Нашрга тайёрловчи Жамил Чифти) нашриёти, Истанбул, 2003, 42–64-бетлар.

СОЛИҲ ЗОТЛАР НАЗАРИ

Алишер Навоий «Лисонут тайр» охирида достонни ёзиш сабабига тўхталиб, болалик хотираларига берилади. У болалигида Фаридуддин Атторнинг «Мантикут тайр» достони завқи билан хушҳол, «қуш тили бирла кўнгли ҳамроз» бўлганини эсга олади. Китоб унинг хилватдаги сирдошига айланади. Шу китобга ошuftалик Алишерни сирли бир ҳолатга туширади; биров билан гаплашмайди, бошқалар билан муомала-муносабати узила бошлайди. Бу ҳолдан хабар топган отонаси унга «Мантикут тайр» ўқишни ва у китоб билан машғул бўлишни тақиқлашади. Бироқ бу тadbирнинг фойдаси бўлмайди. Чунки Алишер китобни ёд олган, ҳар вақт такрорлар эди.

Гарчанд Алишер Навоий жаҳон адабиёти дурдоналари даражасидаги «Хазойинул маоний», «Хамса» каби юксак савияли бадиий асарлар ёзган бўлса-да, болаликда бошланган «Аттор дўкони»га харидорлик шоирга умр бўйи тинчлик бермайди. Аллоҳ ёрдам берса, «қуш тилини шарҳлаш»ни, «таржима расми била» бир асар ёзишни кўнглига тугади. Шоир бу ишга ёши олтмишга қадам қўйганида муваффақ бўлади. «Мантикут тайр» таъсирида унга назира этиб, 1499 йили ёзилган «Лисонут тайр» шоир кўнглида, бадиий тафаккурида бутун ҳаёти давомида пишиб етилган эди.

Алишер Навоийнинг «Лисонут тайр» достони рамзий асар. Унда «қуш тили ишорати билан

ҳақиқат асрори мажоз суратида» баён қилинади. Достонда жуда кўп ибратли ҳикоятлар, пайғамбарлар, авлиёлар қиссалари келтирилган. Алишер Навоийнинг чин мусулмон ижодкор, қалами билан динга хизмат қилиб, бошқаларни ҳам эзгуликка, тўғри йўлга чорлаётган шоир сифатидаги фазилатлари «Лисонут тайр»да ҳам яққол намоён бўлган. Зеро, ўзини англаш, ўз оламига назар ташлаш, аниқроғи, нафсини таниган Аллоҳни танийди, деган ғоя «Лисонут тайр» достони мазмунига чуқур сингдирилгандир.

Маълумки, достонда қушлар сўзлайди. Сюжет воқеалари Худхуд воситасида бошқариб борилади. Худхуд қушлар мажлисида ўзларига подшоҳликка лойиқ қуш — Семурғдан сўз очади, уни излашни, унинг даргоҳига боришни қушларга таклиф қилади. Аммо йўлбошчилик масаласи муаммо. Шунда йўлбошловчи танлаш бўйича қуръа ташланади. Қуръа Худхуд номига чиқади. Дарҳақиқат, Худхуд бошқа қушлардан фарқли, боши тожли, ақлли-хушли, оқил эди.

Савол туғилади: хўш, нега Аттор ҳам, Навоий ҳам айнан Худхудни йўл бошловчи сифатида танлайди?

Худхуд аввал йўлбошловчиликка рози бўлмайди. Чунки бу ишнинг масъулияти катта. Ҳамсафарларининг барча машаққатларини барабар тортиши, уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб бориши, қолаверса, йўлда иккиланиб қолганлар



кўнглини кўтариб, уларнинг барча жумбоқларига жавоб бера олиши керак. Худхудда шундай сифат бор эди. Энг муҳим жиҳати — у Сулаймон (алайҳиссалом) билан суҳбатлашган қуш. Буни қушларнинг ўзи эътироф этади. Сулаймон (алайҳиссалом) билан Худхуд воқеаси Намл сураида келади.

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Худхуднинг сув бор жойларни билиши таърифланади. Сулаймон Худхудни излаб қолади. Тополмайди. «Агар ҳозир келса, жазолайман», дейди. Шунда Худхуд кириб, бир хабар келтирганини айтади. Сабаъ деган мамлакатда Билқис исмли аёл подшоҳ, унинг қавми Қуёшга топинишини маълум қилади. Сулаймон (алайҳиссалом) ботил эътиқоддаги қавмни ҳидоятга чорлаб, мактуб ёзади ва уни Худхуддан бериб юборади. Билқис ҳидоят топади.

Қушлар Худхудга мурожаат қилганларида ана шу тарихни эсга олишади.

Бунда энг муҳим жиҳат Худхуднинг Сулаймон (алайҳиссалом) назарига тушган қуш эканидир. Достоннинг бошқа бир ҳикоясида қушлардан бири мавқелар, мақомлар масаласида «яширин сирлардан» воқиф бўлган Худхуддан сўрайди:

*«...Тенгдурур чун боримизга болу нар,
Сен нединсен бохабар, биз — бехабар?»*

*Бу тафовутни саросар шарҳ қил,
Ким нединдур, бизга равшан айлағил...»*

Шунда Худхуд жавобининг аввалидаёқ: «Ким менга тушмиш Сулаймоннинг кўзи», дейди.

Аллоҳ инояти билан, Сулаймон (алайҳиссалом) назари туфайли, Худхуд ҳол топгани аниқ.

Айнан бошқа қушлардан назаркардалиги билан фарқланиб тургани учун Худхудни Аттор ҳам, Навоий ҳам қушларнинг сардори сифатида танлайди.

Сулаймон назари боис Худхуд руҳониятида пайдо бўлган ҳол асосини яна ҳам таъкидлаш учун Алишер Навоий итга назари тушган Нажмиддин Кубро тўғрисидаги ривоятни келтиради.

Нажмиддин Кубро улуғ аллома етмиш беш ёшли қария бўлишига қарамай, мўғул аскарларига қарши аёвсиз курашган чин ватанпарвар, кўплаб олимлар тарбиялаган назари ўткир авлиё зот сифатида мумтоз из қолдирди.

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида бундай ёзади: «Кунятлари Абдулжанобдур

ва отлари Аҳмад ибн Умар Хевақий ва лақаблари Кубродур. Ва дебдурларки, аларга Кубро андин лақаб бўлдики, йигитлик авонидаким, зоҳир улуми таҳсилага машғул этмишлар, ҳар ким билаким, мунозара ва мубоҳаса қилсалар эрмиш, ул кишига голиб бўлурлар эрмиш... Ва аларни Шайх Валитарош ҳам дебдурлар. Онинг учунки, вазду ҳол ғалобатида муборак назарлари ҳар кимга тушса, валоят мартабасига етар эрмиш...»

Сўнгра Навоий ит билан боғлиқ ривоятни келтиради: «Бир куни ул ҳазрат мажлисида Асҳоби Қаҳф аҳволининг тақрири ва таҳқиқи ўтар эрди. Шайх Саъиддин Ҳамавий қоддасаллоху сирруҳуки, ҳазрат Шайхнинг асҳобидиндур, хотирига ўттиким, оё, бу умматда андоқ киши бўлғаймуким, суҳбати итга асар қилғай? Ҳазрат Шайх каромат нури била маълум қилдилар ва кўпиб хонақоҳ эшигига бориб турдилар. Ногоҳ бир ит етишди ва куйруғин тебратадур эрди. Аларнинг муборак назарлари ул ит сори тушди. Филҳол бахшиш топиб, мутаҳаййир ва беҳуд бўлди ва бошин ерга суртар эрди. Дебдурларки, ҳар ён борса, келса эрди, эллик-олтмишқа яқин ит они эришиб, ондин айрилмаслар эрди ва (ҳеч) қайда сокин бўлса, теграсида ҳалқа уруб, иликларини илик устига қўйиб, ун чиқармаслар эрди ва нима емаслар эрди ва ҳурмат била туришар эрди (17-жилд, 287–288-бетлар).

«Лисонут тайр»даги «Шайх Нажмиддин Кубронинг сўзи ва итга тушган кўзи ҳақида»ги махсус бобда ана шу воқеа баён қилинади.

*«...Еткурур итга натижа ул назар,
Зотиға солур кишиликдин асар.*

*Итгаким етгай валидан тарбият,
Қушқа ҳам тонг йўқ набидан тарбият...»*

Бир валий зот назари туфайли итда «мақом» ҳосил бўлган экан, Сулаймон пайғамбар назари тушган Худхуднинг бошқа қушларга пешво бўлиши шубҳасиздир.

Кубронинг ити билан боғлиқ ҳикоя Навоийнинг мумтоз адабиётда анъанавий воқеалар тизимига қўшган янгилигидир. «Мантиқут тайр»да бу воқеа йўқ.

Хуллас, Алишер Навоий қуръоний қиссалардан, ўтган пайғамбарлар, авлиёлар тарихига оид манбалардан жуда ўринли фойдаланган.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори

Холид Муҳаммад ХОЛИД

АСМО БИНТИ ЯЗИД

Асмо бинти Язид ансория аёллардан бўлиб, кучли имон, сабр, шижоат, ақл эгаси эди. Унда хотирлаш, таъсирчан гапириш, чиройли ўқиш қобилияти мужассам эди. У бизга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларидаги қиссаларни ўзига хос усул билан етказиб берганлардан биридир.

Ибн Ҳожар бундай дейди: “Асмо бинти Язид ибн Саккон ибн Рофеъ ибн Имриул Қайс ансорлардан бўлиб, авс қабиласининг ашҳал уруғидандир. “Умму Омир” ва “Умму Салима” кунялари бор”.

Асмонинг Куръони карим оятларини, ҳадиси шарифни ўрганишга иштиёқи кучли эди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалар даврасида ўтирганларида Асмо бинти Язид ҳузурларига келди ва: “Отам, онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг элчиси! Аёллар номидан келдим. Улар сўзимни маъқуллашади. Аллоҳ таоло сизни эркагу аёлга пайғамбар қилган. Биз аёллар ҳомиладор бўламиз. Эркаклар жамоат намозларида иштирок этишади. Ҳамда Аллоҳ йўлида сафарга чиқиш билан даражалари юксалади. Қачон сафарга кетишса, биз уларнинг болаларини ва молларини қўриқлаймиз. Айтинг-чи, савобда улар билан тенг бўлоламизми?” деб сўради. Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга: “Дини ҳақида яхши савол берган аёлнинг сўзини эшитдиларингми? — дедилар. Сўнгра яна Асмога юзланиб: — Эй Асмо, ортингдаги аёлларга билдир, улардан қайси бири эрига яхши хотин бўлса, унинг розилигини истаб яхшиликларига эргашса, барча савобда эри билан билан тенг шерик бўлади”, деб марҳамат қилдилар.

Асмо бинти Язид (розийаллоҳу анҳа) бундай ривоят қилади: “Бир куни тенгдош аёллар орасида турган эдим. Ёнимиздан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўтиб қолдилар. Бизларга салом бериб: “Куфрони неъмат қилишдан сақланинглар”, дедилар. Сўрашга журъатлироғи мен эдим. “Ё, Расулulloҳ, куфрони неъмат нима?” деб сўрадим. У зот марҳамат қилдилар: “Сизлардан бирингиз ота-онаси билан яшайди. Сўнгра Аллоҳ таоло унга эр берса, эридан фарзанд ато қилса, у ғазабланади. Ҳатто унга: «Мен сендан ҳеч яхшилик кўрмадим», дейди”. Бу воқеа аёлларга Пайғамбаримиз тарбияларининг бир кўриниши эди.

Амр ибн Қатода (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг биринчи байъат берган аёллар Умму Саид, Кабашата бинти Рофеъ, Умму Омир (Асмо) бинти Язид ибн Саккон ва Ҳаво бинти Язид ибн Саккондир”.

Асмо биринчи байъат қилганидан фахрланиб: “Мен Расулulloҳга байъат қилган аёлларнинг биринчисиман”, дер эди.

Абу Наим Асмонинг байъат ҳақида бундай деганини келтиради: “Расулulloҳ ҳузурларига байъат қилиш учун келдим. Иккита тилла билагузугим бор эди. У зот (алайҳиссалом) марҳамат қилдилар: “Эй



Асмо, Аллоҳ таоло сенга ўздан билагузук кийдиришидан кўрқмайсанми?” Иккисини ҳам ташлаб юбордим. Уларни ким олганини билмайман”.

Ибн Абулбар (розийаллоҳу анҳу): “Асмо дин ва ақл эгаси эди”, дейди. Бу икки сифати Асмони нубувват мактабидаги иқтидорли, фазилатли талабага ва ансорий аёллар фақиҳига айлантирди.

Асмо бинти Язид дин ишларини ишонч ва диққат билан ўрганар эди. Ойша онамиз (розийаллоҳу анҳа) мақтаб: “Ансор аёллари қандай ҳам яхшидир, динни ўрганишда ҳаёлари уларни (масала) сўрашдан тўсиб қолмади”, деганларида Асмо бинти Язид каби аёлларни назарда тутганлари шубҳасиз.

Сахийлик ансорларнинг олий сифати эди. Асмо бинти Язид ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) уйимизга ташриф буюрганларида: “Бу уйларда қандай яхшилик бор, бу ансорларнинг яхшилигидир”, деб марҳамат қилдилар».

Асмо бинти Язид ана шундай фазилатлари боис Расулulloҳнинг ҳурматларини қозонди. Худайбиядаги дарахт остида Асмо Ризвон байъатини берган эди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Дарахт остида байъат берганлардан ҳеч бири дўзахга кирмайди”, деганлар.

Аллоҳ таоло оқила муҳаддис Асмо бинти Язиддан рози бўлсин. Унинг қабрини нурга тўлдирсин.

*“Жаннат башорати берилган аёллар” китобидан
Юлдуз КОМИЛ қизи
таржимаси*

ЗАЙТУН ЁҒИ ХОСИЯТЛАРИ

Зайтун бўйи тўрт, етти метр-гача борадиган майда баргли дарахт. Гули оқ, данакли, меваси куз ўртасида етилади.

Зайтун жуда узоқ умр кўради. Сурия ва Фаластинда ҳатто икки минг йиллик зайтунлар учрайди.

Зайтун меваси таркибида юздан ортиқ моддалар, асосан, мой, оқсил, гликозидлар, дармондорилар бор. Зайтун мевасининг мойи кимёвий таркиби жиҳатидан она сутидаги мойга яқин турадиган ягона ўсимликдир. Зайтун мойи табобатда қадимдан кенг ишлатиб келинади. Абу Али ибн Сино бундай ёзади:

«Зайтун ёғи суртилса, оёқ-бўғин хасталиги билан оғриганларга фойда қилади. Ёввойи зайтун ёғи билан оғиз чайқалса, қонайдиган милкка шифо, қимирлайдиган тишларни мустаҳкам қилади. Кўзга тушган сув (катаракта) ва оқни кетказди. Ичакнинг бураб оғришига ва гижжаларга қарши ишлатилади. Яллиғли қулунжда фойда қилади».

Зайтун мойига саримсоқ ва сабзи қўшиб пиширилса, қоринга сув йиғилишида наф беради. Зайтун мойининг куйқаси қуруқ баданларда пайдо бўладиган яраларни битиради.

Зайтун мойи қабзиятда сурги сифатида яхши наф беради. Ўт пуфагидаги тошни нуратиш хусусияти бор. Бунда зайтун ёғи лимон суви билан аралаштирилади.


Фойдали маслаҳатлар

* Зайтун ёғига узум сиркаси аралаштирилса, қуёш таъсиридан, сафро хилти ошиб кети-

шидан ҳосил бўлган бош оғригига шифо бўлади. Бунда аралашмага латтани хўллаб, бошга боғлаш ёки суртиш керак.

* Зайтун ёғини уч маҳалдан ўн беш кун мобайнида томизилса, тиқилмалардан пайдо бўлган кўз касаллиги — катарактага даво бўлиши кузатилган.

* Бўғин, бод касаллигини даволаш учун зайтун ёғидан 200 грамм, тоза керосиндан 200 мл



ва 20 дона аччиқ қизил қалампир олинади. Қалампир майдаланади ва зайтун ёғи керосинга қўшилади, яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра илиқ жойда икки ҳафта сақланади. Сўнг оғриётган жойга суртилади ва жун мато билан ўралади.

* Зайтун ёғига қичитқи — газанда ўти қўшиб қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатмадан истеъмол қилинса, ичаклар бураб оғришини қолдиради, гижжаларни туширишда фойда беради.

Мирзамир
МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос

Ҳорун ЯҲЁ

АЙИҚНИНГ ЖОНИ АСАЛ

Айиқлар асалга ружу қўйгани ҳаммага маълум. Уларнинг жуда катта панжалари бор. Кўриш ва эшитиш қобилияти эса анча сустроқ. У ҳолда асални қандай қилиб топишди? Албатта, Парвардигор ато этган чўзинчоқ тумшуғи туфайли. Бурни айиқларга озукани ҳидидан топишга имкон беради. Зеро, Аллоҳ барча мавжудотларнинг эҳтиёжини қондиради.



Айиқлар жуда бесўнақай кўринишга эга эканини биласиз. Аммо уларнинг ташқи қиёфасига чув тушманг: аслини олганда, айиқлар жуда чопагон ҳайвон. Улар соатига 48 километр тезликда югура олади. Улар жуда кучли. Баъзи айиқларнинг бўйи икки-уч метрга етади, улар дарахт учига чиқиб олиб, у ерда узоқ вақт қолишлари мумкин. Емиш излаб, айиқлар ўттиз метр баландликдаги дарахтга ҳам чиқа олади.

Бу ширинтомоқлар асалари инини учратса, уни панжаси билан бир неча бор уради ва

арилар гувиллаб ҳар томонга учиб кетади. Сўнг айиқ иннинг ўзидан асални олиб, ея бошлайди. Айиқларни ариларнинг хавfli захридан уларга Аллоҳ берган қалин жуни ҳимоялайди.

Айиқлар қишда ухладини ҳамма билади. Куздаёқ улар уйқуга кетиб, қуруқ ўт ва шох-шабба билан қопланган уйларида баҳор келгунича ухлайди. Аммо қишки уйқуга кетишдан аввал мўл овқат ейди ва кўпроқ тери ости ёгини тўплайди. Бу ёғ уларга бутун уйқуси давомида очдан нобуд бўлмасликка ёрдам беради. Бутун ёз ва куз бошида қорақайин ва каштан дарахтлари мевасини истеъмол қилади. Уйқу вақтида айиқларнинг организми териси остида тўпланган захирани аста-секин сарфлаб боради ва баҳорда, уйларида чиққанларида, уларни таниб бўлмайди, ахир улар анча озиб кетади-да. Агар инсон шунча вазнини йўқотадиган бўлса, дармонсизликдан ўша ондаёқ жон берарди.

Уйқу вақтида яна бир муҳим ҳодиса юз беради: кичкина айиқчалар дунёга келади. Ургочи айиқ одатда биттадан учтагача бола туғиши мумкин. Улар кўр, тишларсиз ва жунсиз ҳолда туғилади. Шунинг учун она айиқ болаларини уйдан чиққан заҳоти ҳимоя қилиши зарур. Йўқса



овчилар ёки бошқа катта айиқлар ожиз айиқчани дарҳол ўлдириши мумкин.

Аллоҳ таоло Ўзининг марҳамати ила яратган барча жондорларини паноҳида асрайди, ҳар бир ҳайвонни қулай яшай олиши учун зарур барча нарсалар билан таъмин этади. Шунинг учун У шундай қилганки, пахмоқ айиқчалар тинч-омон ва беҳавотир яшайди. Уларнинг паҳлавон оналари эса, Аллоҳ меҳрибонлиги ила ўз болаларини сайр қилдирган чоғида вужудга келадиган хавф-хатардан албатта кўриқлайди.

Раҳматуллоҳ ДОНИЁР

таржимаси

